25936

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИ НАЗМИЙ МАНБАЛАРДА



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИ НАЗМИЙ МАНБАЛАРДА

(«Вақеоти Муҳаммад Алихон»
ва
«Жангномаи Худоёрхоний»)

O'ZR FANLAR AKADEMIYASI
ABU RAYHON BERUNIY NOMIDAGI
SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI
KUTUBXONASI
INV. RAQAMI 25936

Тошкент
«Akademnashr»
2016

УДК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)
Қ 99

Қ 99 Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда [Матн]: нашрга тайёрловчилар: Ҳамидилло Лутфиллаев. Тадқиқот қисми ва изоҳлар муаллифи: Шерали Қўлдошев. – Тошкент: Akademnahr, 2016. – 80 б.

ISBN 978-9943-4729-8-3 УДК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)

Нэшрга тайёрловчи:
Ҳамидилло Лутфиллаев, тарих фанлари номзоди

Тадқиқот қисми ва изоҳлар муаллифи:
Шерали Қўлдошев, тарих фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:
Дилором Юсупова, тарих фанлари доктори

Тақризчилар:
Маҳмуд Ҳасаний, тарих фанлари доктори,
Салимахон Файзиева, филология фанлари номзоди

Китоб (рисола) А–1–177: «Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази (асосий) фондидаги филологияга оид қўлёзмаларни илмий тавсифлаш» гранти доирасида тайёрланиб, марказ Илмий кенгашининг 2016 йил 5 октябрдаги 10-сон қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4729-8-3
© «Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда»
© «Akademashr», 2016

УВАЙСИЙНИНГ «ВОҚЕОТИ МУҲАММАД АЛИХОН» АСАРИ

Жаҳон отин Увайсийнинг (1780 – 1868) тарихий достони ҳисобланган «Воқеоти Муҳаммад Алихон» («Муҳаммад Алихон воқеалари») асарини тугалланмаган манба дейиш мумкин. Унда 1842 йилда юз берган воқеалар ифодаланган бўлиб, асосан, Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1822 – 1842; ҳукмронлик даври 1822 – 1842) Шарқий Туркистонга қилган ҳарбий юришлари ҳақидаги маълумотларга урғу берилган.

Асар воқеалари Қўқон хони Умархон (1810 – 1822; ҳукмронлик даври 1810 – 1822) ва унинг рафиқаси Нодирабегимнинг (1792 – 1842) тўнғич фарзанди Муҳаммад Алихоннинг дунёга келиши билан бошланган. Асарда Умархон вафотидан сўнг Муҳаммад Алихоннинг Қўқон хонлиги тахтига ўтириш ҳамда Қашқарга ҳарбий юриш уюштириш хусусида саркардалари ва вазирлари билан маслаҳатлашуви баёни ҳам ҳикоя қилинган бўлиб, саркардалар қўшин сони озлиги туфайли бу юришда душман қўли баланд келиши мумкинлигидан хонни огоҳлантиришади. Бирок Муҳаммад Алихон ўз онаси Нодирабегимдан дуо олиб, ўн лак (минг) қўшин билан Марғилон орқали Қашқарга йўлга тушади. Достонда Нодирабегим ва Увайсийнинг Муҳаммад Алихон қўшинини Марғилонгача кузатиб келганлари, сўнг Шоҳимардонга бориб, Муҳаммад Алихоннинг ғалаба билан тирик қайтишини сўраб диний маросим ўтказганлари, ушбу юришда Увайсийнинг икки фарзанди ҳам қатнашгани баён қилинади.

Маълумки, 1826 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистондаги Жаҳонгирхўжа қўзғолонига аралашуви ҳамда Хитойнинг ҳукмрон сулоласи бўлган манжур ҳукуматининг (1644 – 1911) Жаҳонгирхўжа авлодларини Қўқон хонига топширмаганлиги икки давлат муносабатларининг совуқлашишига сабаб бўлган.[1] Манжур ҳукумати Жаҳонгирхўжа қўзғолонида фаол иштирок этган ҳамда махфий маълумотларни хонликка етказиб турган қўқонлик савдогарларни айбдор сифатида таъқибга олган ва уларнинг мол-мулкини мусодара қилиб, ўзларини Қўқонга қувиб солган.[2] Шунингдек, улар қўқонлик савдо-

[1] Лю Чжисяо. Уйғур тарихи. – Пекин: Миллатлар нашриёти, 1987. – Б.1184.

[2] Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синцзяне. – М.: Наука, 1973. – С.129 – 131; Лю Чжисяо. Уйғур тарихи. – Пекин: Миллатлар нашриёти, 1987. – Б.1188 – 1189.

гарларнинг Шарқий Туркистонда савдо қилишларини ҳамда чой, ипак, кумуш ёмбу[1], нефрит, чинни идиш каби хитой молларини Қўқон хонлигига олиб ўтишларини тақиқлаб, чегара пикетларида аскарларни кўпайтиришган. Натижада Муҳаммад Алихон хонлик аҳолисининг чойга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида уни Хитойдан Россия орқали олиб келишни кўзлаб, Россия императоридан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Шу билан бирга, бу элчилар императордан манжурлар ҳукуматига қарши уруш олиб бориш учун бир неча тўплар ва ҳарбий маслаҳатчилар юборишни ҳам илтимос қилишган[2]. Аммо бу сўров натижасиз тугагач, қалтис вазиятда қолган Муҳаммад Алихон 1830 йилда Жаҳонгирхўжанинг акаси Муҳаммад Юсуфхўжани Бухородан чақиртириб олиб, тошкентлик, кўконлик, қашқарлик муҳожирлардан иборат 40 минг қўшин билан Шарқий Туркистонга юборган. Қўзголон туфайли катта зарар кўрган манжур ҳукумати молиявий қийинчилик туфайли бу вақтда Қўқон хонлигига қарши очиқдан-очиқ уруш ҳаракатларини бошлашга қодир эмас эди[3]. Шу боис улар Муҳаммад Алихон юборган элчилар билан музокара олиб боришга ва икки давлат ўртасида шартнома имзолашга мажбур бўлишган. Бу шартноманинг аниқ санасини тарихчилар турлича кўрсатганлар. Хусусан, XIX аср муаррихлари Ч.Валиханов, К.Риттер, А.Куропаткин, И.Халфин шартнома санасини 1831 йил деб кўрсатишади.[4] Юқоридаги муаррихларнинг асарларидан фойдаланган Б.Аҳмедов ва Ҳ.Бобобеков ҳам ўз тадқиқотларида шу санани такрорлаганлар.[5] Аммо юқорида келтирилган муаллифлар ишларида ушбу шартномага оид ҳужжат келтирилмаган. В.С.Кузнецов эса ўз тадқиқотида Хитойнинг Ижтимоий

[1] Ёмбу – Хитойдаги қуйма кумуш пул бўлиб, оғирлиги 50 лян (1,8 кг).

[2] Материалы для истории завоевания Туркестанского края / Составиль А.Г.Серебренников. – Ташкент, 1847. – С.87.

[3] Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахаб ат-таворих. Шарқ қўлёзмалари маркази қўлёзмаси, инв. №592. в. 630 б; Курбан Али Айагузий. Тавариxи Хамса-и Шарк-и. – Казань, 1910. – С.95.

[4] Валиханов Ч.Ч. О состоянии Алтышара // Собр. соч. в пяти томах. – Алма-Ата, 1987. – С.62; Риттера К. Восточный или Китайский Туркестан. – Санкт-Петербург, 1859. – С.457; Куропаткин А.Н. Кашгария. – Санкт-Петербург, 1879. – С.119; Халфин И.А. Политика России в Средней Азии. – М., 1960. – С.30.

[5] Аҳмедов Б. Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларини ўрганишдаги ўрни // Тарихдан сабоқлар. – Тошкент, 1994. – Б.273.

фанлар архивида сақланаётган бир ҳужжатни асос қилиб кўрсатиб, шартноманинг 1832 йилнинг 13 январида тузилганини қайд этади.[1]

Ш.Воҳидов монографиясида достон манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган.[2] Академик А.Қаюмов эса Нодирабегимнинг яна бир тахаллуси Мақнуна эканлиги шу асар орқали маълум бўлганини ёзади.[3] Олима Э.Иброҳимова Увайсий достонларининг бадиий жиҳатларини тадқиқ этган.[4]

Достон настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, 1859 йилда Муҳаммад Юнусхон исмли киши томонидан Қўқон қоғозига битилган ва ҳар саҳифага 11 сатрдан жойлаштирилган. Қўлёзма муковаси кўк рангда, таяки ва лабакийлари чармдан. Китобда учта тамға мавжуд. Иккитасида «Абдуқаҳҳор саҳҳофнинг амали, 1265» деган муҳр бор. Муқоваси ўлчови 27x16,7. 151 байт. 14 бет (233 – 246).

Эй зоти улуқ Худойи аъзам,
Қилдинг батамом жумлаи олам.

Нурингдин ўлубдур анбиёлар,
Фазлингдин ўлубдур авлиёлар.

Бир неча шаҳаншо ўлди пайдо,
Соянгки оларда дарди ҳувайдо.

Шаҳлар аросида Умархон,
Бир неча кун у сурди даврон.

Моҳи пора эди ани заифий,
Мақнундур тахаллуси латифий.

Ул Юсуф эди, будур Зулайхо,
Ул Вомиқ эди, бу эрди Азро.

[1] Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синцзяне. – М.: Наука, 1973. – С.136 – 137.

[2] Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.154 – 155.

[3] Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1961. – Б.221.

[4] Иброҳимова Э. Увайсий достонлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1960. №6. – Б.62.

Бириси эди Лайли, бириси Мажнун,
Бир-бирини муҳаббатиға мамнун.

Парзандларидин[1] ўлди пайдо,
Муҳаммад Алихон оти бир аъло.

Умри атосин завол ўлубдур,
Шаҳзода баркамол ўлубдур.

Тобшурди тутуб сағирни тахтин,
Ўғлуға тамом тахти бахтин.

Ўқбо тарафиға қилди риҳлат,
Ўғлиға қолиб бу ҳою ҳашамат.

234

Кўнглуға муҳаббат ўлди пайдо,
Қилдики ғазот шавқи шайдо.

Ўғли эди бир қаландари афъол,
Шаҳзодаға исми шаҳар бўлди помол.

Фикр ила айдики ухламай ул,
Борсамки ғазот этарга ман, қул.

Бир куни деди, эй сипоҳи сан,
Билгилки, ғазотға борурман.

Отингни семурт, қил ўзунг чоқ,
Отларни туёғиға тақа қоқ.

Саркардалар айди, аё хон,
Бул сирни кўнгулда айла пинҳон.

Кофир эли кўп эмиш зиёда,
Бул фикрингга ақл ўлди пиёда.

Кофир батамом мўри асфи,
Таърифида эрди васфи.

[1] Фарзандларидин.

От пешонасин оқча ислом,
Олмоққа ани хаёлидир хом.

Бул сўзни вазирлар дейдилар,
Олам ғамин булар едилар.

Султон, Тангри бор, на ғам бор?
Ҳар ерда қулини ўзи асрар.

235

Кўнглумға тушубдур иштиёқи,
Келгум яна, умрум ўлса боқи.

Ҳақ кўнглума солди ул юзни,
Ақлим била еткурур бу сўзни.

Ул Холиқи Ҳай, бандаи парвар,
Ўз махлуқидур, ўзи асрар.

Шаҳзода эрур таваккал ном,
Бечунки қўлида дини ислом.

Бир байт ўқуди бу дамда султон,
Қолмай дили поки ичра армон.

Мен айладим ул қодир доноға таваккал,
Сақлағувчи махлуқни биноға таваккал.

Ким қилса таваккал, они сақла, они ўзи ҳаржо,
Қилдим ани чўн лутфи муҳайёға таваккал.

Офоқ хожам, қаттиқ замона сиғибман
Ҳам айладим ул лутфи масиҳоға таваккал.

Умид тўла қилдим ўшал Маҳдий хожам,
Ёр ўлсалар, шояд, манга Аллоҳға таваккал.

Ор келса қўлумдинки дуо айламак, эй дил,
Қилдим яна пайғамбари аълоға таваккал.

Ҳам Мавлавий айдилар неча сўз,
Бир неча сўзи насиҳатомуз.

235б

Кўрдингму, расулни кўрмади Увайс,
Кўрдинг-ку ки Мажнун ўлди ул Қайс.

Бормоқ онанинг ризоси борму
Ё манга илтижоси борму?

Қай махлуқи ано ризодур,
Ул бандасидин Худо ризодур.

Эшон сўзини тамом қилди,
Шаҳзода туруб хиром қилди.

Бир байт қилди бу дамда, қилди бунёд
Эшон бу шаҳе қилғали шод.

Бу хизматларни қилдинг, аё шоҳи адолатим,
Ҳақингга бир дуо айлай, сенам марди Худо бўлғил.

Бу фаҳму дониш анингким, аё коҳ фаросатим,
Ҳақингга бир дуо айлай, сенам марди Худо бўлғил.

Сенингдек олийнеъмат шоҳжаҳона келмаган ҳаргиз,
Айриб куфр бирлан динға парво қилмаган ҳаргиз.

Очарға Чин-Мочин корборин бидмағон ҳаргиз,
Ҳақингга бир дуо айлай, сенам марди Худо бўлғил.

Муяссар айласунким Ҳақ таоло санга мақсудинг,
Ҳар иш кўнглунға айласун вофи маъбудинг

Ки, ман хушнуддурман, қайси ишга бўлса хушнудинг,
Ҳақингга бир дуо айлай, сенам марди Худо бўлғил.

237

Келди аносин қошиға ул шоҳ,
Ул эрди Худо йўлидин огоҳ.

Шаҳ деди аносинға бўлуб зор,
Сенсан манга ғамгузор, ғамхор.

Эй волидаи азиз жондин,
Ортуқ батамом меҳрибондин.

Эй волидаи шифо ранжур,
Дилдин мани қилма бир замондур.

Эй волидаи манга дуогў,
Солма дили покинг ичра қайғу.

Эй, волидаи ҳузури дилсан,
Қилмоқға дуо менга кафилсан.

Бергил сен менга ижозатни,
Кўргил расули шафоатни.

Ёлборди аносиғаки чандон,
Қолмади дилида зарра армон.

Султон сўзини тугатти бирдам,
Ҳақ амриға сидқи эрди маҳкам.

Бермайки ризолиқин аноси,
Сўзлашту ўшал дам иккалоси.

Отланди бу шаҳсувори олий,
Гул хумчасидек қадин ниҳоли.

238

От устида байт ўқувди шоҳ,
Жону жигаридин урди бир оҳ.

Бу кун, эй меҳрибон, парзанди жонингга рухсат қил,
Дили мажруҳи шавқ ўтида бир ёнингга рухсат қил.

Ғазот этмакни шавқин солди кўнглумға бу кун Аллоҳ,
Азиз жонингдин ортиқ бул азиз жонингга рухсат қил.

Кел, эй носиҳ, насиҳат айла манга, ғарон келгай,
Қулурға фатҳдин хуршиди тобонинга рухсат қил.

Таваккал Ҳаққа айласа отланиб манга шифо сари,
Дуо айласа азиз халқ, сан хонингга рухсат қил.

Ризжол ул-ғайбсан ё Ҳизр, мардони Худодурсен,
Дуойи хайр этиб, бул шоҳи султонингга рухсат қил.

Қилдики ғазот ниятини,
Кўргилки Худони ҳурматини.

Ўн лак киши бирла Марғилона
Туштики ўшал шаҳи замона.

Айдики аносиға, мунда турғил,
На келса, Худодан ани кўргил.

239

Ойим деди йиғлаб айланурман,
Ман ҳам сени бирла отланурман.

Қийла килихларғаки шафқат айлаб,
Ҳар қайсиға бир мурувват айлаб.

Бўлди чу равона ул санубар,
Кўнглида эрур Худойи акбар.

Еттилар ўшал кун ҳазрати тахт,
Хонимға Худо насиб этиб бахт.

Ёр ўлди туман минг авлиёлар,
То айлади шафқат анбиёлар.

Бир неча хазина килди эҳсон,
Тангри йўлида бо дилу жон.

Сарф этти неча шутур била от,
Хонимни ёритти Ҳақ бўлак зот.

Бул ишни атоси қилғони йўқ,
Бул сирни бобоси туйғони[1] йўқ.

Эр чиқти бу шоҳи олийҳиммат,
Бул ишида Худо ўзи ҳимоят.

[1] Билгани маъносида.

Ким Тангри учунки тутса,
Бермас анга ҳеч ерда анга озор.

Рухсат тилади аносидин ул,
Бириси гул, бирисидур булбул.

Тонг откунча сўзлашиб ўшал тун,
Хон Лайли, аноларидур Мажнун.

Бириси эт эди, бириси тирноқ,
Топтики аларни макоми офоқ.

Бор эмди, қўзимки, рухсат этсам,
Келгунча хаёлинг улфат этсам.

Отланди ўшал замон диловар,
Гул чеҳраси бўлди шамси анвар.

Ҳазрат ойим эттилар муножот,
Ҳақ, тилайин ман эмди ҳожат.

Ё Раб, манга такягоҳ сансан,
Мўминларингга паноҳ сансан.

Ё Раб, мени зора бўл ҳимоят,
Муҳаммад Алидур санга омонат.

Ё Раб, манга сан ўзинг мураббий,
Кўнглумда Расул, тилимда Раббий.

Ё Раб, манга сан мурувват этгил,
Фарёдима тез тунда етгил.

Увайсий шабу рўздур дуогў,
Ё Раб, нафсини айла дору.

Ўғлини узотти ул замонда,
Зоҳирда кулуб, ғам ниҳонда.

Қайтиб яна Марғилона келди,
Ўзини жудолиғини чу билди.

Ошиён табиат айлади бир кун,
Ўғли кўзидин нари бўлон чун.

Бор эрди мазори хўп дилғаш,
Борғай киши анда бўлса дилғаш.

Отидур Муоз, ўзи саҳоба,
Бир бандани еткурур аъло мурода.

Ким матлаби бўлса, анда борғай,
Толибни муродиға етурғай.

Бормоққа ўшал мозор сари
Юз қувди қилиб мазора зори.

Ҳар ерда гар ўлса бир дуогўй,
Йиғдурди мазора Шоҳимурод(!).

Эҳсонники беадад қилиб ул,
Тотушти бу Марғилона ғул-ғул.

Якшанба кун анда бўлди ҳозир,
Гулзори жаҳонда эрди нодир.

Қилдики мозорни зиёрат,
Тегди, ани қилди бо шарофат.

Хон қайлиғи ул арусларни,
Жоруб қўлида зўрларни

Қилибдур зиёрат ул замонда,
Ҳам тилда сиғинди, ҳам кўнгулда.

Остоноға бош уриб анойи зори,
Қувди ўқидики бул шиори.

Тиларға меҳнатим чашмимни симоб этгали келдим,
Киши даргаҳинг бўйнимға қуллоб айтгали келдим.

Ғазот отланди фарзандим, азизим, ҳазрати Эшон,
Мижжам жоруб этиб, ашкимни пуроб этгали келдим.

Юзум суртуб ғубори марқадинга ман тилаб ҳожот
Ки, мақбул этса деб бағримни хуноб этгали келдим.

Бошимни остонангга қўйиб ёри таъма айлаб,
Қарорга куфр элин меҳрингни асбоб этгали келдим.

Тилаб Ҳақдин муродимни ибодат айламак келгай,
Юзумға пештоқим қатингники меҳроб этгали келдим.

Очилса дин эшиги деб сиғиндим сизга, бузруквор,
Хитойи Чин-Мочин жамъин сизга аҳбоб этгали келдим.

Йили бедорлиғни сурмаси тортилди чашмимға,
Кўзимни васли бедори била хоб этгали келдим.

Юриб зулумоти исён бирла Увайсий русияҳликда,
Сурубон равзанга бул юзни маҳтоб этгали келдим.

Илкиға олиб муроди андин,
Кўргузди лабини анда хандин.

Ҳақ ёди биланким урса бир оҳ,
Еткургуси мақсадиға Аллоҳ.

Келди яна ўрдасиға ул шоҳ,
Гўё ёрутуб коронғуни моҳ.

Андишасин солди болиға,
Қилай кумуш олиб элиға.

Бўлдики равона Шоҳимардон,
Бир неча фуқаро айлаб эҳсон.

Қирқ масофа билан сувор ўлубдур,
Етмакка чу беқарор ўлубдур.

Қилдики кушаш шери даргоҳ,
Ҳар жойиға тушти, тузди хиргоҳ.

То бўлди шажаралари чу маълум,
Етмаклик аларга бўлди мафҳум.

Хонимни бор эрди тункатори,
Бор эди ани аноси зори.

Хон бирла кетубдур ани ўғли,
Ҳажру ўти билан юраги доғли.

Отдин тушубон бўлиб пиёда,
Кўз ёшин оқузди мисли жола.

Суруб юзиға ойин рикобин,
Бўйниға солиб отин жиловин.

Ул ерда ўқуди бул муножот,
Муҳтожлара чикор бу ҳожат.

Қодир Аллоҳ, сакла ҳазрат хонимни
Бул ҳазрат Шоҳимардон туфайли.

Саломат еткургил азиз онамни
Бул ҳазрат шери Яздон туфайли.

Турғиз дедим, ул кун ғазот отланди,
Юрак-бағрим қизил конга доғланди.

Юракларим бўлак-бўлак тўлғонди,
Ўзинг еткур Шоҳимардон туфайли.

Ҳазрат хоним бошларин тошдан қил, Худо,
Ўғлонларим хондан қилмагин жудо.

Худойимға ман айлай дуо,
Ўзинг еткуз шери Яздон туфайли.

Юсуф тушти ҳазрати Яъкубдин йироқ,
Гўё бир неча бор айдилар бир-бирига фироқ.

Ибни Ямин эрди кўзимға фироқ,
Еткур ўзунг моҳи Канъон бу туфайли.

Фориғ эт қайғудин, бекарора еткур,
Ғамли кўнгулларни хушнуд еткур.

Ҳар бир бандангни, Худо, мақсуда еткур
Ул ҳазрати соҳибқирон туфайли.

245

Очилди ҳамиша, юз шукрким, андоғ дори мақсуд,
Жабинимға бўлиб мехроб, қоши дилни мақсуд.

Манга мақсуди мақсуд ўлдиким бу даҳр боғида,
Начун ўлса равон мақсудим эрди, берди мақсуд.

Маломат боридин қилма, аё толиб, онинга эй дил
Ки, заҳри ишқ эрса ганждурким, аждари мақсуд.

Кел, эй соқий, қадаҳ вақтида таррор этма кўп ўзини
Ки, шояд, Танғри сероб этсаким ул кавсари мақсуд.

Биғайри жуз хунобаликдин орзу тиғиға ишқ аҳли,
Кирди санга маҳвашим мужгонимдурким сафдари мақсуд.

Жаҳон таркини бошимда кўриб тайин этма, эй зоҳид,
Кўлоҳимким қаландардур ул афсари мақсуд.

Кўрибон ғамза Лайли мисоли ҳеч Мажнун ўлди дер,
Ажойиб турфа бир мастидур ҳам Мажнунтари мақсуд.

Ул кеча уюмай ўлди бедор
Ҳазрат ойимки сарвирафтор.

Ҳуршид каби юзи ўшал кун,
Қўйди мисол, бўлди мажнун.

Бошин кўтариб тилаб муродин,
Ул кеча қилиб Худони ёдин.

Тонг отқуча айланиб этиб роз
Маснаднишини шаҳи сарафроз.

246

Ул кунки қуруб бериб сарпо,
Тоқилди улуқлиғин бир аъло.

Сир айлади бир ғариб ғуроба,
Ҳам ҳоли табоҳ ҳар хароба.

Хушнуд этарга руҳи арвоҳ,
Яъники тавофе шери даргоҳ.

Мақсудае турди Шоҳимардон,
Юз шукр, кўнгулда йўқтур армон.

Мақсудига етганин чу билди,
Доводу калам сари келди, келди.

Ҳазрат бесифатни ёзди у дам,
Назм ўлдики инчунони кам.

Подшоҳ окил мани бугун вафоликка қарийб,
Боғларим жон бирла юз суртуб туробинг ястониб.

Кўнглима тушти хаёлинг келдим, эй шери Худо,
Ишқ сажосин кийиб шавқинг самандин ўйнатиб.

Айладинг бул кеча ҳолимни тамошосин ўзинг,
Мисли раънодек ичим қондур, чиройим саргойтиб.

Касбу коринг деб кетибдур хонимиз дин очқали,
Ҳазратим, айланг мадад, боринг у ёна отланиб.

ШАВҚИЙ НАМАНГОНИЙНИНГ «ЖАНГНОМАЙИ ХУДОЁРХОНИЙ» АСАРИ

XIX аср ўзбек тарихчиси ва шоири Шавқий Намангонийнинг тўлиқ исми-шарифи Мулла Шамс Мулла Ҳусан ўғли бўлиб, у 1804 йилда ҳозирги Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ҳудудидаги Қалвак қишлоғида туғилган ва Шаҳанд[1] қишлоғидаги мадрасада таҳсил олган. 1840 – 1842, 1845 – 1858, 1868 – 1876 йилларда Қўқон хонларидан Муҳаммад Алихон (1806 – 1842; ҳукмронлик даври 1822 – 1842) ва Худоёрхон (1830 – 1881; ҳукмронлик даври 1844 – 1858; 1862 – 1863; 1865 – 1875) саройида жами 14 йил хизмат қилган. Қўқон хонлиги тугатилгач, 1876 йилдан то умрининг охири, яъни 1889 йилгача ўз қишлоғида бўзчилик, мактабдорлик қилган. «Тазкирайи Қаюмий»[2] асарида Шавқий Намангоний шеърларидан парча келтирилган бўлиб, шоирнинг 1907 йилда ҳам ҳаёт бўлгани қайд этилган.

Мулла Шамс Шавқий замонасининг етук зиёлилари ҳисобланган Исҳоқхўжа Ибрат (1862 – 1937), Сўфизода (1869 – 1937), Нодим Намангоний (1844 – 1910) каби шоирлар ҳамда Россиядан келган рус олимларидан В.П.Наливкин (1852 — 1918) билан яқин муносабатда бўлган. Исҳоқхўжа Ибрат ўзининг «Тарихи Фарғона»[3] асарини ёзишда Мулла Шавқийнинг «Панднома» номли шеърий достонидаги[4] шеърлардан фойдаланган. Исҳоқхўжа Ибрат фойдаланган шеърий парчанинг мазмуни Қўқон хонлиги ҳукмдори Маллахоннинг (1828 – 1862; ҳукмронлик даври 1858 – 1862) укаси Худоёрхонга насиҳатидан иборатдир.

Шавқий Намангоний ҳақидаги дастлабки маълумотни В.П.Наливкин берган. У шоирнинг «Жомеъ ал-ҳаводис» («Ҳодисалар жами») достонини ўрганиб, XIX асрнинг 80-йилларида нусха кўчиртирган.[5] Мазкур нусха ҳозирда Шарқ қўлёзмалари марказининг фондида 1756-рақам остида сақланади. Асарнинг яна иккита

[1] Шаҳанд – ҳозирги Тўрақўрғон туманида жойлашган қишлоқ.

[2] Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкирайи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи акад. А.Қаюмов. Ж.2. – Тошкент, 1998. – 270 б.

[3] Ибрат. Тарихи Фарғона / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Бобобеков. – Тошкент: Камалак, 1991. – 300 б.

[4] Шавқий Намангоний. Панднома. Сақланиш жойи номаълум.

[5] Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Руҳафзо, 1998. – Б.93 – 104.

O'ZR FANLAR AKADEMIYASI
ABU RAYHON BERUNIY NOMIDA
SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI
KUTUBXONASI
INV. RAQAMI 25932

нусхаси мавжуд бўлиб, бири мазкур марказнинг асосий фондида «Жангномайи Худоёрхоний» («Худоёрхон жангномаси») номи билан 599-рақам остида, бошқа нусхаси эса Марказнинг Ҳ.Сулаймонов номидаги фондида «Девони Шавкий» номи билан 1872-рақам остида сақланади. Тарихчи олим Ш.Воҳидов тадқиқотида «Жомеъ ал-ҳаводис» асари Шавкий девони таркибидаги алоҳида достон сифатида келтирилган.[1] Аммо бу достоннинг «Жангномайи Худоёрхоний» достони билан битта асар эканлиги қайд этилмаган. Ушбу тарихий достоннинг бадиий жиҳатлари профессор Ғ.Каримов, Ф.Аҳмаджонова, А.Халилбеков томонидан ўрганилган.[2] Достондаги маълумотлардан Р.Набиев, Ш.Воҳидов, Ҳ.Бобобеков, Б.Бобожонов каби олимлар ҳам ўз тадқиқотларида фойдаланишган.[3] Бироқ асар ҳозиргача тўлиқ ҳолда нашр қилинмаган.

Мулла Шамс Шавқийнинг «Жангномайи Худоёрхоний» асари назмда битилган бўлиб, қипчоқлар билан содир бўлган низолар, Худоёрхоннинг улар устидан қозонган биринчи ғалабаси, 1852 – 1853 йилларда маглуб бўлган қипчоқларнинг қирғин қилиниши воқеаларига бағишланган. Достон кириш ва беш бобдан (ҳодисадан) иборат.

«Аввалги ҳодиса»да Шералихон (1791 – 1844) ҳукмронлиги даврида (1842 – 1844) бўлиб ўтган воқеалар ифодаланган. Унда Таласдан[4] Шералихон билан Қўқонга келган қипчоқ уруғлари тўғрисида сўз боради.

Ушбу асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири ҳам шундаки, унда кипчоқларнинг бир неча уруғи номлари зикр этилиб, вакилларининг Қўқон хонлигида эгаллаган турли мансаб ва амаллари, хонлик сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, мингбоши Мусулмонқул қипчоқларнинг *қўлон* уруғидан, халқ ичида Қулбобо номи билан машҳур бўлган хон рисолачиси Хотамқули *ўлмас* уруғидан, 1843 йилдан 1850 йилга қадар Марғилон ҳокими бўлган Ўтамбой *элатан* уруғидан, 1843 – 1845 йилларда Наманган ҳокими бўлган Мирзод *яшиқ* уруғидан, 1843 йилда Шаҳрихон ҳокими бўлган Кўрўғли/Гўрўғли, 1844 – 1845 йилларда Тошкент ҳокими, 1853 йилда Мусулмонқули ўрнига мингбоши лавозимини эгаллаган Мулла Холбек, қўрбоши Муҳаммадёр эса қипчоқларнинг *етти қашқа* уруғидан эканлиги шеърий тарзда баён қилинган. Шу билан бирга, асарда Шералихон даврида хонлик мингбошиси бўлган Шоди додхоҳ билан Мусулмонқули тарафдорлари ўртасидаги кураш ва Шоди додхоҳнинг Чустда ўлдирилиши билан боғлиқ воқеалар ёритилган.

«Иккинчи ҳодиса» эса «Муродхон хомхаёллик жомини ичиб ва хомтамалик отига миниб, Хўқанд ичра келиб, тўққуз кундан сўнг тахти салтанати тахтаи тобутига мубаддал бўлгани» деб номланган.

Маълумки, Қўқон хони Олимхоннинг ўғли Султон Муродхон (1805 – 1844; ҳукмронлик даври 1844) Мусулмонқулининг (Шералихоннинг мингбошиси) Ўш ва Андижон кўзғолонини бостириш учун кетганидан фойдаланиб Қўқонни эгаллаб олган ва 1844 йил 16 августда Шералихонни ўлдирган. Мусулмонқули эса Ўш кўзғолонини бостириб келиб, Муродхонни ҳам қатл қилади.[1] У 14 ёшли хонзода Худоёрхонни тахтга ўтқизиб, ўз қизига уйлантирган ва шу йўл билан сиёсий ҳокимиятни қўлига олган. Муродхонни қўллаб-қувватлаган Қўқон хонлиги шайхулисломи Сулаймонхўжа ибн Зокирхўжа, Мулла Хўжамқул аълам, домла Холмуҳаммад қозини қатл эттирган. Бу тарихий воқеалар асарда назмий шаклда ифодаланган.

Асарнинг «Учинчи ҳодиса»си 1261 ҳижрий балиқ йилида (милодий 1845 й.) Худоёрхоннинг ёшлигидан фойдаланиб Мусулмонқули воситасида хонликдаги турли мансабларни эгаллаган қипчоқ амалдорларининг Қўқон халқига жабру зулмни кучайтиргани, кўплаб солиқ солгани, деҳқонларга ҳатто сувни ҳам

---

[1] Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.195.

[2] Каримов Ғ. Шавқий поэзиясининг реалистик кучи // Шарқ юлдузи. 1963. №2. – Б.44 – 46; Аҳмаджонова Ф. Шавқий Наманганий // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. №4. – Б.58 – 60; Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Тошкент: Руҳафзо, 1998. – Б.93 – 104.

[3] Набиев Р. Из истории Кокандского ханства (феодальное хозяйство Худаяр-хана). – Ташкент: Фан, 1973. – С.34, 36, 39, 40, 47, 82, 86; Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.194 – 196; Бабабеков Х. История Коканда. – Ташкент: Фан, 2011. – С.174; Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С.214, 224.

[4] Талас – ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги шаҳар.

[1] «Мунтахаб ат-таворих» асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон маълумотига кўра, Шералихон 2-шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, 2 йил, 1 ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон 9 кунлик хонлигидан кейин 9-шаъбон 1260/23 август 1844 йили қипчоқлар қўлида Мусулмонқул ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Худоёрхон 1844 йил 24 августда илк бор тахтга кўтарилган. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон тўра. Мунтахаб ат-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.126.

сотгани хусусида ёзилган. Ушбу қисмда Шералихоннинг беш ўғли зикр этилган. Айниқса, тўнғич ўғли Саримсоқхон покиза, шижоатли, ожизларга меҳрибон, ҳофизи Қуръон каби сифатлар билан алоҳида таърифланган. Шунингдек, Шералихоннинг Худоёрхон, Сўфихон, Султон Муродхон исмли ўғиллари тавсифи ҳам келтирилган.

Достондаги халқона, равон ва ҳақиқат уфуриб турган сатрларда Шавқийнинг фикр-ғоялари, халқ дарди ва аламлари ғоят ихчам ва лўндалик билан ифода қилинган.

«Тўртинчи ҳодиса» 1268 ҳижрий сичқон йилида (милодий 1852 й.) юз берган воқеалар ҳақида бўлиб, унда қипчоқ амалдорларининг ўзаро мансаб талашиб бир-бирини ўлдиришлари, жумладан, Мусулмонқулининг Тошкентга юриши, Мирзод билан Ўтамбой ўртасидаги урушлар ва бошқа жараёнлар баён қилинган. Шунингдек, Қўқон хони Худоёрхоннинг Мусулмонқули бошчилигидаги қипчокларга қарши кураши, Мусулмонқулининг ҳукмфармонлигидан қутулиш ва хонликнинг мустақиллигига эришиш учун яширин тарзда олиб борган тайёргарликлари акс эттирилади.

Достон воқеаларининг асосий қисми «Бешинчи ҳодиса»да тасвирланган. Унда Билқилламада[1] Худоёрхон ва Мусулмонқули қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган қаттиқ жангда қипчоқ қўшинининг тор-мор келтирилиши, Мусулмонқули ва унинг атрофидагиларнинг ўлдирилиши жараёнлари акс этган. Ушбу воқеа 1268 йил ашур ойининг 9-кунида (милодий 1853 йил 9 октябрь) бўлган эди. Шавқий «Жангномайи Худоёрхоний» асарини мазкур воқеадан 12 кун ўтгач ёзган:

Хўқанд ичра қатли ом айлаб,
То бугун ўн икки кун ўткан.
Ушбу кун аро эди шанбе,
Топти қипчоқ эли ажаб танбеҳ.
Ошур ойига ҳам эди тўққуз,
Эй кўнгул, сўзни жойига ўткуз.
Таърихин менга берди ул кун ёд:
«Од қавмин ҳалокин этгин бод».

Асар ўқилиши қийин бўлган муллойи хати билан Қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, 27 варақдан иборат. Котиби номаълум, муковаси таъмирланган.

[1] Билқилламa – ҳозирги Андижон вилоятининг Избоскан тумани ҳудудида жойлашган.

1b

Сақаф афлокидин анга хиргоҳ,
Ер юзидин[1] анга маиштгоҳ.

Ўзга махлукдин қилиб аъзам,
Ҳақ деди васфини: «Лақод каррам...».

Турлу неъматларига айлаб ғарқ,
Лек мансабларида кўбдур фарқ.

Рутбада баъзини қилиб олий,
Бўлди баъзини домини холи.

Баъзини давлат узра жо қилди,
Баъзини дарбадар гадо қилди.

Илмдин баъзи баҳраманд ўлди,
Сўзлари ҳар чи эл санда ўлди.

2a

Шоҳ фармонпазир ўлуб баъзи,
Шоҳ қошида вазир ўлуб баъзи.

Улки мансаб ичинда бўлди шоҳ,
Бахту давлат унга бўлуб ҳамроҳ.

Лек шоҳлар аро шоҳи комил,
Лавҳ тавфиқға бўлуб ҳомил.

Шаҳри Хўқанд аро эрди ул хон,
Мулк бир тан эрур, ул эрдур жон.

Зилла Ҳақ келди анга қисматда,
Сақласун Ҳақ паноҳ исматда.

Худоёрхон валинаимдур ном,
Бахти давлатлари топиб анжом.

Уч давлатга қўйдилар поя,
Эл бошиға бу ер бўлуб соя.

[1] 599-рақамли қўлёзмада «юзида» шаклида берилган.

2b

Тангри бизга бу ерни бахш этган,
Накд уза отларини накш этган.

Шамдек кечани килиб равшан,
Тоғу саҳрони айлади гулшан.

Анча эмин-омон эди асри,
Сидқу инсоф ила тутуб касри.

Элга лутфин давом кўргузди,
Эл маишатни камрон тузди.

Тангри лутф-карамни фош этти,
Бевалар тунд ила маош этти.

Барқ уруб ани кавкаб бахти,
Поя солиб фалак сари тахти.

Баҳра икбол айлаб андоғ мавж,
Етти кўкка ривож айлаб авж.

3a

Етти афлок бўлуб ҳимоёти,
Бу бори Тангрининг инояти.

Бом аввалинда бўлди шод камар,
Тикти хизмат тариқасинда камар.

Зарф олуб элига зуммурад ранг,
Пур бўлуб анда анжум авранг.

Хонимиз нисор учун чоғлаб,
Кумушкон фўтасиға бел боғлаб.

Зуҳра билгач ани ясоб хиргоҳ,
Бу иккинчи фалакда дутунҳаво.

Чанг танбурларини айлаб соз,
Туҳфаи таҳниятларини килиб оғоз.

Бахту давлат карин кўруб тоза,
Анга зийнат била қўйуб гоза.

3б

Бўлди шикал, куёш анга мирот,
Деди қолсун жаҳон аро барот.

Анга бу сурат ила тарз айлар,
Мақсади хонға ани арз айлар.

Билгач ани аттор ва комил,
Қуръаи фолға бўлуб омил.

Саъд-масъуд ила кўруб холин,
Айш-ишрат била кўриб ҳолин.

Бўлди улдаги сано учун ғамсоз,
Холад Аллоҳу мулкаҳу оғоз.

Шамс тўртинчи кўк мақомидур,
Онки ҳам васфи оти эрур.

Ҳар кун эрта зиёратин кўзлаб
Ёки одоб этар йўлин кўзлаб.

4a

Ўзини шабнам сувидин айлаб пок,
Субҳ пироҳанини айлаб чок.

Ер ўлуб мадҳ ила сано дерга,
Курра бомдин тутуб ерга.

Бу сифат салтанат кўруб Миррих,
Баданкирлар кўзига санчиб мих.

Бўлса душман анга бўлуб чора,
Тиғ ила фарқини қилиб пора.

Жумла адоватига қилиб тадбир
Ҳам ҳавола қилиб анга шамшир.

Муштарий билди бу бек рутба,
Давлату жойиға ўқуб хутба.

Бўлди олтинчи тоқ анга минбар,
Мадҳ хонликда нафтин айлаб тер.

4б

Бу сифат ахтари саодат ёр,
Анга мадху сано қилиб изҳор.

Билгач ани Зуҳал қилиб жайрон,
Бўлди еттинчи тоқ ўзи тийрон.

Жиб миллатларини айлаб чок,
Бўлди душман сари наҳусти нок.

Еткуриб душман уйига нукбат,
Чекти ҳар кун ичида қулфат.

Била султон соҳиби амлок,
Офаринлар анга ўқуб афлок.

Бу сифат ҳоким сурайё бахт,
Қўйди Фаргона мулки сари тахт.

Бошларига етуб самадин зол,
Турфа олийривож дарёдил.

5а

Жуд эҳсонда қўлларидир кон,
Ҳақ этиб жумла мискин осон.

Отланиб чиқсалар харомида,
Қутби арвоҳлар бажомийда.

Ўнг ва сўлда силоҳ бошавкат,
Хуш ярашур ул ерга бу савлат.

Ҳашмат шоҳлиқ анга таслим,
Халқи олам қилиб анга таъзим.

Бахту иқболин айлабон таждид,
Камтарин ғулом анга Жамшид.

Шон-шавкатни кўрса ҳар жонлиқ
Ўқуғай анда офарин хонлик.

Халкаро забтини аён айлаб,
Қўй бошинда кўш ошён айлаб.

5б

Кўрк ила барра бўлди ҳамулфат,
Айлабон бир-бири жилла суҳбат.

Етим ўғлон мусофир ва ғуроба,
Айлабон барча ҳакларига дуо.

Шери Аҳмадға еткуриб равнак,
Ҳақ ботилни айлаб андок фарк.

Туздилар дин ишин ривожини,
Ҳак жадидатини, тахт-тожини.

Муҳтасиб қилди бо сиёсатни,
Мард домини бо фаросатни.

Рост айлаб тарозу аҳли тош,
Борму ҳар кимса макри айлар фош?

Иш кўзини темурдин айлаб чин,
Фукаро хатари топиб таскин.

6а

Қози, муфтий китоб олиб қўлига,
Йўл адашганни солдилар йўлга.

Тўлди даврида масжиду мактаб,
Вирд ўлуб барча ерда зикри Раб.

Эл диёнат йўлини туздилар,
Нафси шайтон ишини буздилар.

Барча масжид сариға айлаб азм,
Амри Ҳақни ўзиға айлаб жазм.

Роҳи масжидға эл бўлиб вожид,
Ҳар кун ўлди Худосиға сожид.

Масжид ичра қилиб адоидин,
Ҳифз этиб кўчаларда фарзи айн.

Тифл мактаб сариға солиб рох,
Нақш қилиб, айлаб андуҳ бисмиллоҳ.

6б

Ҳам мадорис баси бўлуб обод,
Илм касбин қилурда олам шод.

Кеча тинмай мударрис айтиб дарс,
Омилу комил бори Ҳақтарс.

Дониш ҳар бирисини азали,
Ўз замонинда мавлавий ғазали.

Жам ўлуб толиб аҳли мало мол,
Баҳс этиб бир-бириға қилу қол.

Сар-басар барчаси амома ҳеч,
Гуфтигў айлаб эртадин то кеч.

Шайхлар хонақоҳ қилиб обод,
Зикри Ҳақни дилида айлаб ёд.

Қўлларин йиғди эл ёмон ишдин,
Бадфеълу қабиҳ варзишдин.

7а

Зажрдин беадаб адаб топти,
Хонни бу ишларин сабаб топти.

Давлатин Ҳақ ани давом этсун,
То қиёматқи некном этсун.

Хўқанд мулкининг беназир ва бемисллигинда нукт-сурулгони

Тангри бу мамлакат бино қилди,
Ушбу оламни пурзиё қилди.

Айлагач ушбу даҳрни бунёд,
Қария ва шаҳарлар билан обод.

Эл била шаҳарлар топиб зийнат,
Қилди Ҳақ жумласини тарбият.

Шаҳарлар ичра ҳар шаҳар бир зоҳир,
Турфа бир буқъа тойиб ва тоҳир.

7б

Шаҳри Хўқанд вилояти машҳур,
Ҳақ балолардин ани ойитгайдур[1].

Пойтахти замини Фарғона,
Анда жаннат қуши қўяр дона.

Жаннат ўлса жаҳон аро пайдо,
Дер эдук ани жаннат ул-маъво.

Фавқи агар бўлса ани устида
Ёки асфалдур ани остинда.

Ҳосил улким шароити жаннат,
Еткуруб анга бу сифат зийнат.

Бу шарофат ўлуб анга мавжуд,
Бу бори Тангридин ато вужуд.

Маъдани жумла неъмат алвон,
Ҳақ йўлиға ани қилиб осон.

8а

Нози-неъмат таоми конидур,
Барча иқлим элини жонидур.

Ҳақ азиз айлаган маконидур,
Илм аҳли ҳунарни конидур.

Жондин ўзга бори эрур тайёр,
Эл топар ани кўрмайин озор.

Неча марди мударриси маълум,
Санги маҳкамни айлагайлар мум.

Маъдани афқаи расолардур,
Манзили жумлаи порсолардур.

[1] Кетказиш маъносида.

Боши-оёғи ишорати олий
Ким, кўрар бир маконини холи.

Кўб улуғлар макон этиб барпо,
Мадраса ва сарой сар то по.

8б

Ўзга ерлар дўкон ўлуб раста,
Бир-бириға бориси пайваста.

Масжиди жомеи ажойибдур,
Бу иморат, баси, ғаройибдур.

Билхусусанки, мадрасаи Олий,
Йўқ ани ўзга ерда тимсоли.

Мадрасаи Хон ва мадрасаи Мир,
Ҳақ анга файз айласун тавфир.

Хишт кўфрук бор оламий дигар,
Кўрмайин айламас киши бовар.

Ҳар тарафдин анжум этиб мардум,
Шод ўлур кўрса ҳар нечук мағмум.

Баъзи келган ани тижоратга,
Баъзисин келмаги зиёратга.

9а

Анда олам аҳли бўлурлар жам,
Кўчаларда кеча ёқарлар шам.

Қалъа дарвозасин қилиб маҳкам,
Садди Искандарийча мустаҳкам.

Ҳам ададдин фазун маҳаллоти,
Неклиқ бирла ёйилиб оти.

Ҳақ балодин ани омон тутсун,
Жумла халқини шодмон тутсун.

То баъотини айласун шодон,
Ҳифзида сақласун ани Субҳон.

Шаҳар таърихини деди музаҳҳир,
Марди доно бўлуб манга мухбир.

9б

Аввалги ҳодиса Шералихон навваралоҳу қабраҳу беш ўғуллари бирла бу мулкға панжа узотиб, бу панжа зўридин мамлакат тасхир қилғони, андин сўнг қипчоқ жамоалари хиёнат отиға миниб ҳукумат олғони

Эмди сўздин бу дам бўлунг огоҳ,
Айтайин, гарчи бўлмаса дилхоҳ.

Асли сўздин қилай овоз,
Сафҳаи хонани қилиб ҳамсоз.

Қасддин сўзламак ямон эрмас,
Билки, хўблукда ҳеч гумон эрмас.

Ҳақ каломи оро деди қисса,
Топти андин сухан эли рухса.

Айт пок аро бу сўз юбориб,
Деди, сухан наққос ул беайб.

10а

Зикри душман бўлур туфайли дўст,
Мевада мағз эса, бўлур ҳам пўст.

Бўлди Мусо туфайли Фиръавн ёд,
Ҳақ каломида будур, эй иббод.

Ё тифли Халил учун Намруд,
Зикр ўлуб гарчи ул айди мардуд.

Бўлса ҳар ерда қиссалар бунёд,
Дўст баҳрида душман ўлмиш ёд.

Бошлайин эмди бир хикоятни,
Бир ғаройиб ажиб ривоятни.

Бор эди бир жамоа бадкор,
Они кипчок дер эрдилар, эй ёр.

Барча саҳронишин, диёнатсиз,
Юрмаган эрдилар хиёнатсиз.

10б

Асли бу эл неча уруғ эрди,
Ҳар уруғдин неча улуғ эрди.

Бир уруғин оти Қулон эрди,
Қуш уёсин бузор илон эрди.

Фукоро куш эди, алар бир мор,
Балки мор айлагай булардин ор.

Эрди ахли кулон Мусулмонкул,
Хоину хийлапеша эрди ул.

Кирдикори бори эди талбис,
Мундоғин макр билмаган иблис.

Неча йил мингбоши бўлуб эрди,
Эл ҳавосин ажиб билиб эрди.

Эрди беҳад музаффару маккор,
Қотил ул-мўъминин бадкирдор.

11а

Хуни мардумни сув каби ичгон,
Неча йил бу сифат била кечгон.

Бир уруғин дердилар ўлмас,
Бийла ўлмакни киши кўрмас.

Ўлмасиға булар ишонмишлар,
Макри дунёға кўп кувонмишлар.

Ўлмас аҳлидин эрди Ҳотамкул,
Зулм ишиға ҳамиша ул машғул.

Кўб ситамгар эди жафопеша,
Нокис ул акл, кўта андиша.

Неча эрга бўлуб эди сардор,
Элни жонидин эттон безор.

Элатон бир уруғни отидур,
Не алар кўлида саботидур.

11б

Кеча аҳд этса, эрта буздилар,
Ришта давлатини уздилар.

Бу уруғдин Ўтумбой эрди, бил,
Элга зулм айлариға боғлаб бел.

Боз ул Тўражон ҳибси ҳам бор,
Бадсиришт, муъини бадкирдор.

Кўргузуб элга лаҳза юз ишва,
Аклу ахз[1] бори эди ришва.

Хоҳ муаззину имом, хоҳ фаррош,
Ришва олуб боридин ул у бош.

Барча саркардадин йиғиб пора,
Ҳукм этиб анга нафси аммора.

Тоши юмшоқ, табъи зулми омиз,
Эрди бир мори афъи дандони тез.

12а

Етти йил Марғинон суруб эрди,
Иликидин эл жафо кўруб эрди.

Бир уруғи яшик деган эрди,
Хун баҳосин бўлар экан эрди.

[1] Ейиш ва олиш маъносида.

Зулм дандонасини тез айлаб,
Ҳар замон элига тасхир айлаб.

Бу яшиқ аҳлидин эмди мирзод,
Зулмидин олам аҳли айлаб дод.

Жаври[1] элга ўтуб эди беҳад,
Арз этарга кишига йўқдур ҳад.

Эрди бир ҳарзагўй бадгуфтор,
Била жўр айламас эди куффор.

Гар қазо ҳукмидин киши ўлса,
Ани матрукаси агар бўлса.

12б

Нисфин олса эмас эди рози,
Кўпни олиб, қолур эди ози.

Мол учун бир жон ўлдирур эрди,
Фукаро кўп жафо кўрур эрди.

Етти қашқа бўлуб бириға от,
Чарх ҳажвиға кўб ўқуб абёт.

Тутти ул сак ҳунар бирла,
Ташлаб охирида фарқу сар бирла.

Етти йил сўрди бу Намангонни,
Ўт каби куйдириб ҳама жонни.

Ушбу элни улуғи Гўрўғли
Мансаб ичра бўлуб эди туғли.

Ақл донишида эътибори йўқ,
Қўли ва феълида қарори йўқ.

13а

Турфа беҳудаликни кўргузди,
Шаҳрихон мулкини яқин бузди.

[1] Жабри.

Боз бир нечаси эди сардор,
Мулла Холбек Муҳаммадёр.

Эрди бу барчаси етти қашқа,
Жумласига мазож эди бошқа.

Бу қабоилни тобтилар теъдод,
Бўлдилар сафҳа узра бир-бир ёд.

Шералихонки олдилар давлат,
Туттилар мамлакат топиб нусрат.

Шоҳу давлатпаноҳ эрдилар,
Бу эл анга сипоҳ эрдилар.

Олдилар шул замон булар мазмун,
Маслаҳат қилдилар чиқиб берун.

13б

Дедилар мамлакатға қўл солса,
Шералихонни илгидин олса.

То ҳануз олмайин булар қувват,
Жазм этиб ўзлариға бу ният.

Бўлса гар ёш ўғул қўлинда нон,
Кўргач эл айлагай фидо жон.

Йиғилиб барча бедиёнатлар
Айлади бу сифат хиёнатлар.

Айлабон ният хиёнатни,
Фукородин тилаб ионатни.

Элга аввалда ҳийла қилдилар,
Макр ишини васила қилдилар.

Топтилар барча бу сифат тадбир,
Солди домиға донаи тазвир.

14а

Шоди эрди амалда мингбоши,
Боши қотиб деди анинг оши.

Элга бўлди деди жафочина,
Қилмади неки бадни андина.

Бизга берса Худо тузотиб ни,
Шаръ ҳукмига берсаки оройиш.

Ҳар на амр айласа Худо ва расул,
Жону дил бирла биз қилайлик қабул.

Ушбу сўзга кўтардилар Қуръон,
Деди бу қавл ҳазрати Субҳон.

Йиғилишиб анда барча от солди,
Аввали Андижон[1] босиб олди.

Қўйди андин қадам Наманғона,
Жам улуб жумла хешу бегона.

14б

Қалъа хонини олуб осон
Ҳам келиб қўлга ул куни Косон.

Деди юрмак керак бу ердин Жуст[2],
Барча ғайрат белини боғлаб рост.

Бу хабарлар Хўқанд аро етти,
Йиғилишиб барча маслаҳат этти.

Отланиб олдига чиқиб Шоди,
Кўзубон ани ғайратин боди.

Ушбу хон ул маҳалда хонзода,
Савлату салтанатли озода.

Худоёрхонимиз эдилар ёш,
Гарчи ёш Шодига эдилар бош.

[1] Андижон.
[2] Чуст.

Бу экун чиқимгар йиғиб лашкар,
Барча аҳли Хўқанд бўлуб яксар.

15а

Чуст ул ва бир-бирларини кўрдилар,
Эдилар сўзларини сўрдилар.

Деди қипчоқ ул сўзни ул дамда,
Хонга биз жону дил била банда.

Шодидан ўзгага ишимиз йўқ,
Ўзга ният қилар кишимиз йўқ.

Шоди кўнмай анга уруш қилди,
Турфа ҳангомалик суруш қилди.

Охири Шодини тушурдилар,
Марг ишни анга яшурдилар.

Барча хонзодани олиб қўлга,
Бости улдан Хўқанд сари йўлга.

Деди сўз берма Хўқанд, эй жон,
Ушбу шаҳзодани қилурсиз хон.

15б

Барча Хўқандни қуршолиб тушти,
Шаҳар элин барчасин ҳавога учти.

Неча кун шаҳарни қамал этти,
Чунки бадгиналикда ўқ отти.

Шаҳар халқини айлади дилтанг,
Охири чиқтилар қилурга жанг.

Кирдилар барча поймол айлаб,
Барча фосиқ ишин хаёл айлаб.

Эди қипчоқни лашкари тайёр,
Боши Мусулмонқули эди айёр.

Бир-икки айлади булар майдон,
Эр йигит ўртага кириб чандон.

Лашкарини йироқда кўрдилар,
Барчаси бир йўли югурдилар.

16а

Чархгач бу ишин кўрунг нияти,
Бадният аҳлига зафар етти.

Бу иш чархи бевафо ҳоли,
Кимки золим мақомидур олий.

Халқ ила даҳр бу равиш айлар,
Золим иблисни парвариш айлар.

Қўш бағир ёрмоқ ўлди ком анга,
Шоҳ илиги бўлуб мақом анга.

Ул куни барча шаҳар аро кирди,
Халқи олам бу ишларин кўрди.

Эл бори тавба деб яқо ушлар,
Ушбу эл деди бир бало бошлар.

Боз ҳангома хўб эди, эй ёр,
Ўтган эди ҳаводис бисёр.

16б

Барчасин айласам бу дам тақрир,
Муддао сўзга бўлғуси тахир.

Хонга ҳеч иш қилолмайин қолди,
Ҳеч иложини билолмайин қолди.

Олди ўзга амалларини қўлға,
Ўзидин ўзга солиб йўлға.

Бўлди мингбошиси Мусулмонқул,
Кўп киши илгида бўлуб мақтул.

Ҳар амал бўлса ани олдилар,
Хон қуруғ хонлиқ била қолдилар.

Бермайин хонга ҳеч ҳукуматни,
Билки мардум қилиб хусуматни.

Тўлди ўрдаға барчаси яксар,
Ўзларидин бўлиб ҳамма аксар.

17а

Ўзлари ўзга иш бўлиб ул кун,
Бўлди оламни холи дигар гун.

Ҳукм ишига бериб тағайюрлар,
Эл бу ишга бўлуб тахайюрлар.

На булар аҳди вафо бўлди,
Балки феъли бори жафо бўлди.

Элга қилғон сўзини буздилар,
Ўзлари ўзга ишни туздилар.

Боз неча қабойиҳ афъол,
Фуқоро бошига солиб ул ҳол.

Моли бемеҳнатни тобтилар,
Анга ёшу қарини чоптилар.

Отланиб барча тўқ била очи,
Қолмайин яхши бирла қўшночи.

17б

На улуғни булар улуғ билди,
На булар қоидаи йўриғ билди.

Кубаро ишини бори тутиб маҳкам,
Деди сандин мен ўлмағаймен кам.

Кўрди қипчоқни барчаси бебош,
Бош кўтарди бу дам бори у бош.

Неча солар марди комиллар,
Маслаҳат машваратли омиллар.

Деди барча ёмонга кун туғди,
Ўрдадин барча ўзларин йиғди.

Энди юрмак булар аро мушкул,
Барчаси ўзларин қилиб мафрул.

Ўтди мундоғ била неча муддат,
Эмди кўзғолғувси нечук бидъат.

18а

Иккинчи ҳодиса Мирзожон хомхаёллик жомин ичиб ва хомтаъм отиға миниб Хўқанд ичра келиб тўққиз кундан сўнг тахт салтанати тахтаи тобутға мубаддал бўлғони

Эшитинг сўзни, соме хушзот,
Ўзга воқеа айлай эмди ёд.

Қилди қипчоқларга бу варзаш,
Еткуриб элга ҳар замон нажас.

Неча кун бу сифат била ўтди,
Бир куни ўзгача хабар етди.

Дедилар қирғиз отланибдурмиш,
Бир неча қарияни олибдурмиш.

18б

Шул замон барча отланиб кетти,
Ҳақни тақдирини кўрунг нияти.

Хон бу ўрдада қолғон эрдилар,
Ўзгалар анда борғон эрдилар.

Ногаҳон чиқти бир аломати,
Ўзгача шўришу қиёмати.

Бор эркан ўзга ерда хонзода,
Ғам била ғурбат ила афтода.

Ул Муродхон эди анинг оти,
Аслида, хон келиб экан зоти.

Келгани топғон экан чора,
Бўлғон экан аламда оввора.

Дер экан ота мулкини кўрсам,
Бир куни хон бўлиб яна юрсам.

19а

Ҳукм ўз ҳолима равон ўлса,
Гарчи оз муддату замон ўлса.

Бир неча ҳам бўлса, йўқ эди армон,
Ҳақ анга айлагай нечук фармон?

Анга мундин бориб уланмиш эл,
Баъзилар анга боғламишлар дил.

Кирдилар барчаси солиб ғавғо,
Тушди шаҳар элига ажаб савдо.

Анга чоптурдилар киши илғаб
Ҳам яна нечалар отин булғаб.

Билки кулла деди у ёлғондин,
Муҳр айтиб отларини ёлғондин.

Бўлди бу нукталар аларга фош,
Кирдилар ёниға неча у бош.

19б

Отланиб манзил айладилар той,
На юртқа солур Худои Ҳай.

Ҳукумат ҳақни билмагай ҳеч ким,
Гарчи минг ақл бўлса таъб салим.

Мунда келар хабар олиб турди,
Ҳийла бирла шаҳарга еткурди.

Тил юборганлари кириб ёниға,
Дедилар сўзни Шералихонға.

Мунда сардорингиз келур эрмиш,
Навкарин сизга кўрсатур эрмиш.

Билмай ани ясовул маҳрам,
Билганин оғзини қилиб маҳкам.

Кирди дарвозадин келиб як бор
Ҳам яна ул куни эди бозор.

20а

Қўйди ул дам мунодий як бора,
Бўлди элни юраклари пора.

Бу замон замони Муродхондур,
Анга байъат қилур қаю жондур?

Нечалар бўлдилар таҳайюрда,
Нечалар эрдилар тафаккурда.

Нечалар хавф этиб шошилдилар,
Баъзи келганига қўшилдилар.

Келгач ўрдани қилдилар торож
Ҳам яна халқни қилиб хирож.

Эрдилар хонни ўзлари ялғуз,
Демадилар у ерда аччиғ сўз.

Шул замон келди, минди тахтиға,
Чарх этиб ханда қисқа бахтиға.

20б

Неча марди муъин маълум,
Уламои хоҳ эл тонур мардум.

Деди келсун Акобири ашраф,
Мадҳ ўқуб айласун бу дам авсоф.

Келмасиға тополмади чора,
Фикр айтиб барча бўлди оввора.

Бош кўтармоқ жаҳонда офатдур,
Асли, бечораликда роҳатдур.

Хавфи жондин бориси келдилар,
Анга ул дам мадора қилдилар.

Расм бирла ани кўтариб хон,
Бўлди ўз ҳолиға бу дам султон.

Асли, бу барча кори Ҳақ, эй дил,
Ким дегай Ҳақ ишига қолу қил?

21а

Хон бўлиб юрмади дўст йўлиға,
Шералихонни келтуриб нулға.

Қатлиға ҳукмини баён этди,
Гулшан умрини хазон этди.

Мурғи руҳин ани учурдилар,
Марг жомин анга ичурдилар.

Топтилар рутбаи шаҳодатни,
Ким топар бу сифати саодатни?

Мунда барча бу янглиғ иш тутди,
Ҳар жавонибга бу хабар етди.

Барча қипчоқ буни эшиттилар,
Сиз кўринг не сифат иш этдилар.

Бўлдилар барчаси ғазаби омис,
Қайтадин барча қилдилар ангиз.

21б

Барча элга юбордилар буйруқ,
Ҳар жавонибдин олди қил қуйруқ.

Ҳар тарафдин кишини олдилар,
Шул замон шаҳарга қадалдилар.

Ўтди мундоғ равишда бир ҳафта,
Эмди иш бўлғуси нечук пеша.

Борди Хўқандга барча жаҳд айлаб,
Ўзғани анда зердўст айлаб.

Чиқти дарвозаларга бу жумла,
Қилдилар бир-бири бирла ҳамла.

Зўри етмай буларга шошдилар,
Ташлабон ўрдасиға қочдилар.

Босар неча бариси кирдилар,
Барча тунгон ишини кўрдилар.

22а

Олдуруб ани янги хонини,
Топти туҳмат қилур замонини.

Асли, бизга бу эл эди бадгин,
Қатл ишига барисини тамкин.

Эмди бунда баҳона топтилар,
Ўлдирурга нишона топтилар.

Кўп кишига қилиб булар бўҳтон,
Тутса кимни қўймагай иймон.

На акобир улуғни тўйдилар,
Келтириб кўй мисоли сўйдилар.

Муллахол эрдилар улуғ аълам,
Гўё нойиби имоми аъзам.

Мулла Хожамқул эрдилар қози,
Шар ила ҳукмга Худо рози.

22б

Шайхулислом эди, басе, аён,
Уламойи Хўқанд булар, эй жон.

Ҳар бири марди комил эрдилар,
Шаръ ҳукмига омил эрдилар.

Бу уч эрни алар ҳалок этти,
Мотами сийнамизни чок этти.

Оқсоқол, маҳаллаи хоҳ арбоб,
Ушлаб ўлдурдилар қилиб ҳар боб.

Мубтало қилди элни бу дарда,
От қўйиб бирисига бадкарда.

Қатл этарга қиличин айлаб тез,
Ел алар қатлидин қилиб парҳез.

Бош олиб ҳар тарафга кетдилар,
Бир тирикликни анда этдилар.

23а

Марг доми аларни зор этди,
Беватанликни ихтиёр этди.

Учунчи ҳодиса тарихнинг минг икки юз олтмиш бири балиқ йили Худоёрхон салламаҳу таоло давлатмандида бир қарор бўлғондин сўнг қипчоқ аҳли насими давлат димоғига етушгони бирла ҳукумат ишини илгига олиб, афъол қабойиҳ ва кардори ношойиста бирла райият аҳлига равиш тузгони. Англангиз сўзни, эй неку андеш, Шералихонни беш ўғли бор эрди.

Ҳақ етурди аларни бу кеча,
Ўзлари шер, ўғиллари неча.

Душман эли бу ерда жон тутмас,
Неча шердин ёмон тутмас.

Саримсоқхон ўғилларин оти,
Асли, покизадур булар зоти.

Қипчоқ аҳли ани кутиб эрди,
Шаҳардин ул бадар кетиб эрди.

Эрди Рустамсифат шижоатли,
Ожизу хастаға ионатли.

Тиғзан, мард, паҳлавон эрди,
Ҳамзадек соҳиби Қуръон эрди.

Солса ханжарни ҳеч қилмай бим,
Санг садманни айлагай давоним.

24а

Борди, Шом мулкини олиб турди,
Макр ила қипчоқ олиб ўтурди.

Зикри ўз жойида келур, эй жон,
Назм этай ани, бўлса гар имкон.

Бирларин Маллабек эди номи,
Мулк фатҳида эрдилар жомӣ.

Турфа машҳурлари саховатда
Ҳам қўйдур булар диёнатда.

Худоёрхон бу хонимизга от,
Халқ мадҳига кўп ўқуб оят.

Мадҳин аввалда айладим тақрир,
Қадри-қувват қилиб ани таҳрир.

Сўфихонзода бири, кўнгли соф,
Келди шаъниларида кўб инсоф.

24б

Ойсифат халқаро аъёндурлар,
Ҳоли бизларга соябондурлар.

Бири Султонмурод озода,
Бахт, давлату турфа шаҳзода.

Буду ижмоли жумласин бори
Зикр ўлур, бўлса Ҳақ ёри.

Ўрдага эл йиғилдилар чандон,
Машварат ўртага тушиб шу он.

Деди қайсиларин кўтаргайсиз,
Маслаҳат на тариқа кўргайсиз?

Ҳам бўлур қул Мустафо барпо,
Яъни хайр ал-умур авсатуҳо.

Ушбу эрни кўтариб ул дам хон,
Расми таъзиму таъдили аркон.

25а

Аслида, бор эркансиз оворий,
Ҳақ бериб давлати жаҳондорий.

Эмди кибчокни кўринг, эй жон,
Сонда йўкларга тегди эмди сон.

Бўлдилар аждаҳойи одамранг,
Солдилар хон ҳукуматиға жанг.

Кўрмаганларни кўрди як бора,
Шод ўлуб бўлди гардаси пора.

Кибри қайнаб, димоғи айлаб хуш,
Учди мағзи саридин ақлу ҳуш.

Ўч олиб қайтадин ҳамма кибчоқ,
Ўзларидин ўзга янглиғ айлаб чоғ.

Шайланиб ўрдага яроғидин,
Қурт тушиб барчасин димоғидин.

25б

Ўзларин барча эр йигит чоғлаб,
Белга тала қиличларин боғлаб.

Бир-биридин амал талашдилар,
Ул замон барча ҳаддидин ошдилар.

Топти давлатни бир неча нокас,
Кўрмай одамни бир қатор хас.

Бурнида кимни айласа побус,
Сўзлашувга бу дам қилиб номус.

Қўйдилар хонни бир қурук уйда,
Ўзлари қурт бўлиб емак уйда.

Хон булар илгига боқиб эрди,
Кимга бу ишлари ёқиб эрди.

Қилса ўз шоҳига бу янгли хилоф,
Фуқоро ҳақиға иборат соф.

26а

Асли, бир эл бор эди бебош,
Давлат ўшаларда йўқ эди бардош.

Бор мисли халқаро, аё ҳакжўй,
Кўтарур дедилар семизлик қўй.

Ўзидин ўзгани уруб йиқитди,
Ўрдада қўймайин суруб йиқитди.

Барча бир жинс ўлуб терилдилар,
Кўчаларда юруб йиқилдилар.

Кўп йиғиб молу зар, семиртиб нафс,
Бўлдилар ҳар бириси гардани ғафс.

Сарлаҳойи зангин арбоб бошқа,
Боз нақшин олиб намойишқа.

Тери пўстинлари бўлиб кимхоб,
Моче ҳар хотуни бўлиб маҳтоб.

26б

Зеб айтиб мушк нофалар бирла,
Юрса чирмаб муофалар бирла.

Ичгали топмағон аччиқ айрон,
Барча кўк чой ичиб қилиб тийрон.

Жора челаклари бўлиб чойжўш,
Жумла хўл-пўшлари бўлиб зарбўш.

Эски эшиг уйи бўлиб нақшин,
Асби лағарлари бўлиб рахшин.

Умрида кўрмаган бутун кулча,
Йиғди тилло танга ўлгунча.

Ўзларига кишини билмай тенг,
Тутди нафсоният йўлини кенг.

Ит бокор кўйчи эрди саркарда,
Ошнолиқ кўзин тутуб парда.

27а

Кўп йиғиб молу зар семирдилар,
Фукоро мағзини кемурдилар.

Зулм ила мол олиб, қилиб зилла,
Бўлдилар ҳар бириси бир калла.

Бўлса эл моли олдида дарё,
Қадари олдида қатра танҳо.

Берса ногоҳ бировға қарз фатир,
Дер ани кўк юзида бадзамир.

Беадад симу зар йиғиб тўймай
Ҳам гадолиғини иликдин қўймай.

Кимни боғида бош кўтарса терак,
Дер эди кес, йиқит, бузруги керак.

Шаръ муғамбирни хор айлаб,
Балки ҳукмин туторға ор айлаб.

27б

Қози, муфтийни қилмайин эъзоз,
Ушбу давлатлариға айлаб ноз.

Шайхи саодат порсоларини,
Хор этиб фиқҳ расоларини.

Уламоларни айлабон таҳқир,
Балки айлаб мазамматин тақрир.

Амру маъруф ишидин оз айлаб,
Шаръ[1] ҳукмидин ихтироз айлаб.

[1] Шариат маъносида.

Илми фиқҳ китоб ила коғоз[1]
Айлаб анинг ҳақоратин оғоз.

Олса хотин иддага боқмас,
Кимки ҳақ сўзласа, анга ёқмас.

Қиз олуб тузламай кифоатни,
Кўп шиор айлабон касофатни.

28а

Бир киши айласа анга хизмат,
Охири айлагай анга туҳмат.

Нафси шайтон ишин шиор айлаб,
Бева-бечораларни зор айлаб.

Саййиду хожани қилиб помол,
Тузди лар бу тариқада минвол.

Отлануб чиқсалар агар бозор,
Жумла бозор элин қилиб безор.

Қилсалар халқ ила сотиқ-савдо,
Беҳуда солғой эрдилар ғавғо.

Бир комил, бир собирлиғи пурмас,
Бу сифати жўрни киши кўрмас.

Кўнмас эрса, уриб-сўкардилар,
Обрўйин ани тўкардилар.

28б

Бу сифат айласа хиёнат фош,
Хавф этиб қайтарилмас эрди бош.

Эл ани қилмас эрдилар изҳор,
Деди берсун жазо санга Жаббор.

Элга сўнг жафони эттилар,
Сувни деҳқон элига соттилар.

[1] Қоғоз маъносида.

Баъзиси ани битмагай эрди,
Сув баҳосидин ўтмагай эрди.

Бос колгонини ўзи олиб,
Сан единг деб анга жафо солиб.

Халқ саҳрода қилса гашти кор,
Анга ҳам еткурурди озор.

Қилдируб молига ани помол,
Доимо варзаши эди бу ҳол.

29а

Ёш боласига бовар ўлмай сўз,
Эрдилар бадсиришт олам сўз.

Тутса ҳар ким амал аро бир касб,
Анга саржин қилур эдилар ғасб.

Масжид, мадрасамиз аро ўлса,
Гар булар вақфи баркарор ўлса.

Тавлиятликларин олиб ул ҳол,
Вақфини еб қилур эдилар лол.

Бу сифат кори пурмалол айлаб,
Боз фосид хаёл ҳол айлаб.

Баъзи ерларда айламиш кенгаш,
Бўлди бу сўзлари жаҳонға фош.

Айламанг фақир элин қўй ҳолин,
Ҳар тариқа била олинг молин.

29б

Анга арғамчи, ўро́қ ҳам бас,
Мундин ўлса санга бўйин бермас.

Кимки мўминга бўлса бадандиш,
Ургай ўз нияти ўзиға ниш.

Кимки откай фалак сари тоши,
Бўлгай анга нишона ўз боши.

Кимки кўкка етурса бехуда,
Ўз юзи бўлгай анга олуда.

Қилди ҳақ ниятин ўзиға ёр,
Тескари рутба олами асрор.

Ўтди бу эл малолати жондин,
Элга етди тааддий ҳар ёндин.

Зулм эл мағиз жонидан ўтди,
Устихониға пичоқ бориб етди.

30а

Бу сифат зулмларни ким қилғой?
Ким анга мазлум ўлса, ул билгай.

Барча очди дуойи бадга забон,
Ҳақ ижобат қилиб ани ул он.

Айлади қаҳри он Худойи мажид,
Қавли Ҳақ «батша Роббика ла шадид»[1].

Бўлса ҳар иш иродати Аллоҳдир,
Ким бўйин бермас анга, гумроҳдир.

Нусха бор «Равзат ус-сафо» отлиқ,
Сўзлари шаҳду қанддин тотлиқ.

Келтуриб анда бир ҳадиси набий,
Яъни қавли Муҳаммади арабий.

Мулки бокуфур топти деди бако,
Лек базулим деди ла ябқо[2].

Зулм ила жўри ушбу ҳол ўлди,
Ахтар бахтиға завол ўлди.

[1] Буруж сураси, 12-оят.
[2] Боқий қолмайди, турмайди маъносида.

Муттафиқлиқ нишони давлатдур,
Мухталифлиқ нишони меҳнатдур.

Кимки мунда тахаллуф иш тузди,
Ришта давлатини ул узди.

Тўртинчи ҳодиса тарихнинг минг икки юз олтмиш саккизинчи сичқон йили рахшин суруб, мансаб талошда низолар тузуб бир-бирисин бош кесиб, қон тўкушганларин баёни

Эмди ўзга суханни соз айлай,
Нақл ила қиссани дароз айлай.

31а

Неча йил сурдилар булар даврон,
Охирин эмди айлангиз осон.

Мамлакатни қилиб булар тасхир,
Қилдилар хайри шар, баҳри тақдир.

Эрди минбошиси Мусулмонқул,
Ани қилмоқчи бўлдилар мағлул.

Илгари неча азл олиб эрди,
Зўр ила қайтадин бўлиб эрди.

Бўлди эмди чиқармоғи мушкул,
Барчасин кўнглиға тушуб ғул ғул.

Кимга ани чиқармоғин чоғлар,
Бу ани ўлдурурга бел боғлар.

Хотири бир-биридин ўлмай жам,
Хойралик мажлисиға берди шам.

31б

Ўз-ўзига булар аъло бўлди,
Бошлариға бу иш бало бўлди.

Бўлдилар барчаси икки ҳисса,
Бир ерда алоҳида гусса.

Бирга дастурхончи эрди бош,
Анга рисолачи эрди бардош.

Қўйди Хўқандни, борди Шош ичра,
Қолди бу мамлакат талош ичра.

Барча ниятлари фасод ўлди,
Бахти бозор аро касод ўлди.

Нафси қувват олиб экан ани,
Фитналикда солиб экан ани.

Жойлатиб Шош аро булар беқил,
Барча саркардадин олурди тил.

32а

Турғузғонда эрди Хотамқул,
Элга қилғон иши эмас маъқул.

Ёрмозорда Ўтамбой тургон,
Марғинон еб ҳукуматин сўргон.

Ҳам Хўжанд мулкида эди Мингбой,
Кимга жўр айласа, анга минг вой.

Шаҳрихон ичра Холмуҳаммад бор,
Бу бири эрдилар улуғ сардор.

Ушбу жумла юбордилар сўзни,
Дедилар маҳкам айласун ўзни.

Қолди Хўқанд аро Мусулмонқул,
Бўлиб фитналик била машғул.

Бори берди келиб анга мирзод,
Сидқу инсофни қилиб барбод.

32б

Хўжамерган оғоси бор эрди,
Ўзгача дағдағаси бор эрди.

Боз ўлмас уруғидин султон,
Барчаси мунда қилдилар туғён.

Қиш ўтиб ҳам яна баҳор ўлди,
Ер юзи барча сабзазор ўлди.

Неча понсад яна неча туғдор
Мингбоши жойини бўлар, эй ёр.

Нечалар Тошканд юборгон тил,
Сўз мухолиф эди мушавваш дил.

Тошкандин чиқиб қўшин сурди,
Ҳар ким ўз тоботиға юрди.

Барча як бора миндилар отға,
Маслаҳат бермас эрдилар ётға.

33а

Эл деди рост сўзларингни дей,
Бўлмаса, бир-биринг отингни дей.

Чиқти Мингбой, қўшилди як бора,
Ўзгаси анда топмади чора.

Қайтариб олди ани мингбоши,
Қилди зўрлаб ўзига йўлдоши.

Фитнадин Тошканд ила кирди,
Орқасидин суриб булар юрди.

Чим босуб, ўқ отиб уруш қилди,
Бир-бирин эмди ўлдуруш қилди.

Ўтди мундин у ён Ўтамбой ҳам
Ёвлиги ўзгача бўлиб маҳкам.

Нечалар анда ўққа учдилар,
Жоман такфин анга пичтилар.

33б

Икки-уч ой бу ўртада ўтти,
Рамазони шариф яқин етти.

Отланурға яна жадал қилди,
Эл деди кори бемаҳал қилди.

Барча қўшин яроғин етдилар,
Тошканд манзилиға етдилар.

Неча кун бошда қилиб ғавғо,
Бошларида эди улуғ савдо.

Барчаси шаҳар гирдида эрди,
Холмуҳаммад яна қочиб кирди.

Бўлди дастурхончи мингбоши,
Воқиф ўлғач бўлиб элчи тоши.

Билмади ҳеч ишин бўлиб ҳайрон,
Икки ўртада бўлди саргардон.

34а

Ҳам Ўтамбой чиқиб анга тегди,
Қувватин синдириб қаддин эгди.

Шул замон шиддатин ушаттилар,
Савлату шавкатин ушаттилар.

Қочди кўзга кўринмайин ағёр,
Неча отлар қилиб экан тайёр.

Хонни ҳам ўтдилар олиб ул ён,
Мирзод мингбоши бўлиб гирён.

Олмадилар қўлларига мирзодни,
Ҳайдаб ўлдирдилар бу бадзодни.

Боз бир нечасин тузотдилар,
Охират жойиға узотдилар.

Ҳам яна нечасин қилиб ёрғу,
Қўшдилар ичган ошиға оғу.

34б

Хон тушгунча ўлди бу мирзод,
Қўймади гарчи айласа минг дод.

Келдилар хон қилиб улуғ савлат,
Бу эди, асли, ибтидо давлат.

Мингбоши қилдилар Ўтамбойни,
Олди иззат била улуғ жойни.

Олди мингбошилиқни бу қўлға,
Тушти мирзод ўлиб ўзин йўлға.

Мирзод ўлмасдин экди, эй жон,
Марғинонни олуб эди ул ён.

Бу Ўтамбойға еткуриб озор,
Аҳли авлодини қилиб безор.

Бор экан анда кўп иморатлар,
Бу қилиб эрди ани ғоратлар.

35а

Эмди қабзиға келтуриб ани,
Ерга бош била уриб ани.

Тутти мирзод учун тавфиқ,
Қўйдириб жумла молға таҳқиқ.

Деди хон давлати манга кенгдир,
Манға қипчоқ шаҳри, эли тангдур.

Ман Мусулмонқул ишларин тутмом,
Хон ҳукуматларин босиб у тамом.

Қилсалар хон ҳар ишни ул насаб,
Кимга инъом этиб, кимга мансаб.

Бўлдилар хон бу ердадур андиш,
Йигдилар ёнга акрабою хеш.

Дедилар барча мунда турғайсиз,
Ҳукми Ҳақ ҳар на бўлса, кўргайсиз.

35б

Тўрт ого-ини эрдилар ҳозир,
Мунча ишларга эрдилар зоҳир.

Барча бир-бирларига носирдур,
Мулк бир тан, бу тўрт ано сирдур.

Маллабек Марғинонни олдилар,
Барча қипчоқ оламда қолдилар.

Мундоғ ишларга хон бўлиб машғул,
Тушди қипчоқ барчасиға ғул-ғул.

Шош мулкидин энди англанг сўз,
Турфа воқеа ажаб дилсўз.

Нормуҳаммад анга эди сардор,
Анда кўп эр йигит эди солор.

Эр Қосим эрдилар бу тўрт боши,
Қасру мардоналикни наққоши.

36а

Неча понсад ҳам эрдилар туғли,
Марду мардоналикда Гўрўғли.

Хон била бир туруб булар ваъда,
Машварат айлаб эрдилар анда.

Дедилар барча хонга неку бахт,
Эй шаҳ, тождори олийтахт.

Сизга бу ҳол аросида видосиз,
Ушбу ўт мубталосидадурсиз.

Ушбу эл ҳеч кима вафо қилмас,
Гар бири қилса ҳам, бири қилмас.

Сизга қасд айласа бу эл ногоҳ,
Бизни воқеадин қилинг огоҳ.

Барча хизмат қилурға етгаймиз,
Комронликни анда этгаймиз.

36б

Маллабек мунда Марғинон олғон,
Барча қипчоқ ичида ғам қолғон.

Эрди дастурхончи жойида,
Бўлдилар барча хонни қатида.

Бир куни барчаси қилиб кенгаш,
Бўлди бу сўзимиз элга фош.

Бир-бирига деди ёри довар,
Ушбу сўзларга сиз қилинг бовар.

Неча йил илкимизда бу шаҳзод,
Бош эди, биз юриб эдик озод.

Давлатин биз сўриб неча муддат,
Эмди бозусиға етиб қувват.

Ногаҳон бизни қабзиға олғай,
Барчани бир йўли қилиб солғай.

Гар олур бўлса бизни чекиға,
Ким чидар шиддат палангиға?

37а

Бизни тутмай биз илгари тутсак,
Қўймай ўз ҳолиға ани кўмсак.

Балки, биз айласак ани нобуд,
Бизга бу иш бўлур деди беҳбуд.

Воқеадин вуқу аввалдур,
Онга тадбир иложи афзалдур.

Хонға бу сўз бори бўлиб маълум,
Билки ҳар нуктаси ери мафхум.

Дейдилар ман Худоға солғаймен,
Ман таваккал йўлини олғаймен.

Ким тутор домин таваккални,
Ҳал қилур Тангри барча шикални.

Мунча кек бирла юргон эрдилар,
Ишни аввал битургон эрдилар.

37б

Тошкандға буюрди чопғунчи,
Хон сўзин ошкор айтғувчи.

Нормуҳаммад черик била юрсин,
Шаҳри Хўқанд аро келиб турсин.

Ўч олиб фитнадин Мусулмонқул,
Фитналикка яна эмиш машғул.

Ул ямондин яна хабар бордур,
Гар келур бўлса кўп хатар бордур.

Рўзи жумағача кириб келгой,
Бўлса ҳар иш кўзи била кўргой.

Борди хондин Қосимға махфий хат,
Еткай албатта ул қилиб суръат.

Жумъадин илгари етса, кўрсун,
Бар тараддуд афко этса, кўрсун.

38а

Эртароқ келса маслаҳат бордур,
Ким иши ҳақ, анга Худо ёрдур.

Рўзи сешанбани қилиб ваъда,
Дедилар хозир ўлғай у дамда.

Билди қипчоққи, жумъа ул келгой,
Мунча қилғон хиёнатин билгой.

Дейдилар илгари қилинг ишни,
Анча кўнгулдаги че хоҳишни.

Жумъа ул келса, иш қилиб бўлмас,
Эмди бурноғидек юриб бўлмас.

Барча сешанбани қилиб тайин,
Барча билгай эди анга ғамгин.

Нормуҳаммадки ҳам юбориб тил,
Деди юрмакда қилмасун таъжил.

38б

Турна қилсунки, юрсун оҳиста,
Бирга-бир мушкули эрур баста.

Балки бир-икки олиб турсун,
Ишни англаб яна юрсун.

Ишни биз хилват ичра қилғонмиз,
Сўнгра чорлар бирини билгонмиз.

Нормуҳаммадга етди бу асрор,
Рукъадин бу сухан бўлур изҳор.

Деди йўлда келурда бу сўзни,
Барча понсад тутиб анга сўзни.

Деди оҳиста ман юрадурман,
Сарпо йўлда кийдурадурман.

Деди понсадки, эй хаёлинг хом,
Хонтаъм иликидин ичибсан хом.

39а

Эмди ҳукминг юрур замон ўтти,
Меҳнати айём сизлара етди.

Бу улуғлуққа бўлма хурсандий,
Ҳол изҳларга сан ўзинг етти.

Туғни олиб булар жадал кетди,
Чоқлағон жойиға бориб етди.

Юрди сешанбани булар чоғлаб,
Хонға хизмат қилурға бел боғлаб.

Бор Хўқандда бир неча мардон,
Барча бу кунға ваъдалар қилғон.

Бешинчи ҳодиса тарихнинг минг икки юз олтмиш саккизи сич-қон йили қурбон ойининг йигирма еттиси сешанба куни қипчоқ қабойиллари хон ҳазрат қасдларида ўрдаға югуриб ман ҳафар баръан ал-ахийи фақоа вақоа фийи мазмуни бирла улар қирғонининг баёни.

Ҳам етиб келди рўзи сешанба,
Сиз кўринким, нахор бугун шанба.

Ўрдаға келдилар ҳамма қипчоқ,
Барчаси ўзларини айлаб чоғ.

Зоҳири жой бўлса ютмоқчи,
Ботини хонни кўрса тутмоқчи.

Бу хиёнатда эрди қипчоқлар,
Барчаси хонни ушламоқ чоқлар.

Жумла ҳайрон бўлиб туриб эдилар,
Эл булар фикрини билиб эдилар.

40а

Хон била ваъда айлагонлар ҳам,
Барча ҳозир туруб эди ул дам.

Шул замон еттилар Қосим шаҳбоз,
Ушла қипчоқни деб солиб овоз.

Ушласун барча деб чақирдилар,
Рў[1] бериб кимки келса қирдилар.

Барча қипчоқ бўлиб саросима,
Бўлди ул дам қилич била қийма.

Жумла тугдорин улуғин ўлдурди,
Анда ғамдин кўнгулни тиндурди.

Ўлдируб неча бетамизларни,
Қорни катта, ўзи семизларни.

[1] Рўй.

Ҳар эшикдин қувиб чиқардилар,
Бошларига адаруб йиқардилар.

Баъзини найза била санчиб,
Баъзини бошларин уриб янчиб.

40б

Қочтилар томдин ўзларин ташлаб,
Барча келгай эди қовуб ушлаб.

Деди қочиб ёшунса, излаб топ,
Ким семиз бўлса, ани танлаб чоп.

Бош эди мунда дастурхончи,
Ўлди кулфат била бу ёлғончи.

Келтируб боғлаб анда қўйдилар,
Ўғлини сийнасини сўйдилар.

Била ўлтурди эртадин то кеч,
Кима қўлға тушар, қутулмас ҳеч.

Ози қочиб, кўпи тутилдилар,
Қайда қочқонни ҳам қутилдилар.

Кўчаларни ўлик босиб кетди,
Уч кун ўтмай бари сосуб кетди.

41а

Қилди Хўқанд ичин булар тоза,
Қилди давлатларини андоза.

Қўйдилар ҳар тарафга чопқувчи,
Ушласун[1] деди қочқунчи.

Тўрақўрғон аро кириб келди,
Қочқонини жаҳон ҳама билди.

Вақтни топти, қочти Хотамқул,
Деди эмди хотунлар ўлди тул.

[1] Ушлансун маъносида.

Қўймурод мунда эрди саркарда,
Деди биз учрадик ёмон дарда.

Хону хонзода эмди ўч олди,
Барча қипчоқ элин қириб солди.

Барча воқеани деди бир-бир,
Жумласин мунда айлади тақрир.

41б

Деди қипчоқда қолмагай зуррот,
Сўзни соф айтди каррату маррот.

Эшитиб барчасин ҳуши учти,
Сачрабон кўзлари яна тушти.

Оҳ уруб, бош уруб ҳар ён,
Йиғлашиб барча бўлдилар гирён.

Эмди бизлар қаён борадурмиз,
Бошимизни қаён урадурмиз?

Бўлди қипчоқ тириклиги қаттиғ,
Эмди юрмак эрур биза аччиғ.

Қолди ҳасрат била булар йиғлаб,
Сарзаниш бирла ҳар бирин доғлаб.

Маллабекдин сухан қилди оғоз,
Ахтар бахтиға бериб пардоз.

42а

Эрди ул мунча иш бўлурға бош,
Хон ёнида эди яна йўлдош.

Бу тариқа қилиб Хўқандни соф,
Боролмас ҳеч киши қилурға хилоф.

Қосим эрни кўтарди мингбоши,
Ўлди қипчоқ элин қари-ёши.

Ушбу рутба бўлиб анга тайин,
Хизматига бўлиб ҳамма таҳсин.

Ишни мунда бу янглиғ эттилар,
Кечалаб Марғинонға еттилар.

Марғинон қипчоқи тўйинмасдин,
Мунча ов оганига куюнмасдин.

Айладилар ани иложини,
Бу сифат олдилар ривожини.

42б

Чорлатиб бир-бир олдига, эй ёр,
Ичкарида қилиб ани тайёр.

Бисту ҳафтум эди маҳи қурбон[1],
Хон Хўқанд ичра мунча иш қилғон.

Ушбу ўртада икки кун ўтти,
Ҳақ иродаларин кўрунг ният.

Жумъага хонимиз олиб туғни,
Хат жавонибга қўйди буйруғни.

Отланиб чиқдилар шаҳи ховар,
Ушбу сўзларга айлангиз бовар.

Йиғдилар лашкар ниҳоятсиз,
Туб тузхона ҳадди ғоятсиз.

Уламою акобиру ашроф
Мадҳ ўқуб хонни қилдилар авсоф.

43а

Жам лашкарни ҳеч ҳисоби йўқ,
Ким борурким йўқ оҳиста бе йўқ.

Оқ ўтов, чодиру алар боргоҳ,
Беадад эрди ҳамиша хиргоҳ.

Беадад ҳабаш, беҳисоб жунуд,
Тутти олам юзин губору дуд.

[1] Қурбон ойининг 27-куни.

Қилди бу нав лашкарини ҳужум,
Гўё осмон юзида нужум.

Кўчсалар қўнсалар қўйиб тўпни,
Беадабга бериб адабчўпни.

Юргизиб ҳар маконида бозор,
Савлату салтанат килиб изҳор.

Ошпазу нонвой, ҳар косиб,
Юрдилар барча хон била босиб.

43б

Қутби арвоҳ ўлуб аларга ёр,
Отланиб лашкари зафаросор.

Тўрт оғо-ини эрдилар ҳозир,
Мунча ишларга эрдилар зоҳир.

Барча бир-бирларига носирдур,
Мулк бир тан, бу тўрт ано сирдур.

Маллабек ҳам яна йиғиб лашкар,
Марғинон тобъотидин яксар.

Шону шавкатни айлаб андоқ чоқ,
Душман қасди барчасин қипчоқ.

Неча минг эр йигиту бо анжом,
Барча оҳанг салоҳ симлижом.

Зар сафар савтига кийиб жўшан,
Билса бўлур борини рўйин тан.

44а

Ҳар тараф сурсалар булар маркаб,
Фатҳи нусрат топиб бу руҳи кавкаб.

Сўфибек бир тарафда ўч айлаб,
Лашкар баҳри янгли[г] мавж айлаб.

Ушбу бек ўзгача қилиб савлат,
Барқ уриб анда ахтари давлат.

Қўйса маркаб комига поя,
Туғи давлат бериб анга соя.

Юзида давлат нишонаси зоҳир,
Турфа шаҳзода тийнабу Тоҳир.

Боз Султонмурод кони шаҳзод,
Аслу насли булар бари паризод.

Очилуб гул каби чаман орой,
Туғ тубида мисоли тўлгон ой.

44б

Ушбу тўрти қўшин тузиб ришта,
Ришталар бир-бирига пайваста.

Бостилар барча оркадин қовлаб[1],
Қочқонини товуқсифат айлаб.

Еттилар бошига қилиб ғайрат,
Шеру арслон каби солуб ҳайбат.

Эмди қипчоқдин англангиз сўзни,
Бир нафас тутингиз бу ён кўзни.

Бўлди қипчоқни қолғони сарсон,
Барча ўз ҳолига эди ҳайрон.

Йиғлашиб қилдилар надоматлар,
Бор экан деб улуғ аломатлар.

Барчаси йиғлашиб еди афсус,
Бу бало бизга дедилар махсус.

45а

Вақту давлатда биз юмиб кўзни,
Молу дунёга ғарқ этиб ўзни,

[1] Қувлаб.

Мундоқ ишларни билмаб эрканмиз,
Бир улуғ қалъа қилмаб эрканмиз.

Эмди бизга омонимиз йўқдур,
Бош урорга маконимиз йўқдур.

Бизга эмди боторға йўқдур тоғ,
Киши биздин самар кетурган боғ.

Деди бир ерда барча бўлғонмиз,
Бир киши қолғуча кирилғонмиз.

Бордилар икки сув оросиға,
Ким қулоқ солди можаросиға?

Бизга йўқ эмди бош киши маъқул,
Ҳайф йўқдур деди Мусулмонқул.

45б

Маслаҳатга сўзини топмасбиз,
Тўтиёға изини топмасбиз.

Баъзи эди кетурсак бўлмас,
Эмди ишни битурсак бўлмас.

Анга ул дам киши чоптилар,
Ани ётган ерини топтилар.

Қўймай ани кетурдилар олиб,
Шарм этиб баъзилар бўйун солиб.

Истадинг барча нафс эмин-комин,
Жумла мўминга бўлдингиз зомин.

Ман экқан нонга барчангиз тўйдунг,
От аёғинда барчани қўйдунг.

Бу бало келгунча шошилдинглар,
Бизни ташлаб у ён қўшилдинглар.

46а

Билмайин отингиз туёгингни,
Урингиз бошлара оёгингни.

Бўлди эмди бу сифат ҳолинг,
Етди бу юруққа аҳволинг.

Дедилар барча бўлғулиқ эмди,
Кимни ризқи туганди, ул ўлди.

Сарзаниш бароқида ўлдирманг,
Қуймагон жонимизни куйдурманг.

Ушбу дарда илож этар борму,
Қайтадин бир ривож этар борму?

Анга ул дам деди Мусулмонқул,
Деди ўлук-тиригимиз бир эл.

Маслаҳат бирла айлагайсиз иш,
Бир кори бирдай ғам била коҳиш.

46б

Чекувчи эмди топти ғусса,
Эмди айланг черикни уч ҳисса.

Ҳар бирнинг бир тарафни чоғлаб тур,
Жон аямай ўзингни у ён ур.

Гарчи кўпдур алар дили, биз оз,
Бир тегиш айлангиз қилиб хушбоз.

Анга бергай Худо ва ё бизга,
Эмди бу жони кўрунмагай кўзга.

Барча бу маслаҳатда эрдилар,
Бу сифат машваратда эрдилар.

Шул замон хон юбордилар элчи,
Сўз олур эрди ўртада тилчи.

Элчи айди бу сўзни қипчоқға,
Келдингиз барча ўлуклук чоққа.

47а

Катталар деб кичикларинг ўлманг,
От оёғида паймол ўлманг.

Панжа бадсиришту бадкоринг,
Шарми йўқ, беҳаё у беоринг.

Ушла[б] берсанг, боринғни хон ўтгай,
Неча бечораларингга раҳм этгай.

Нафъи ом ўлғуси зарари бархос,
Хон сўзи бу эрур, тутунглар пос.

Хон била тахт талошиб уруш қилманг,
Беҳуда ўзни ўлдуруш қилманг.

Хонда беҳад киши эрур бисёр,
Барча бўлинг бу сўз била ҳушёр.

Баҳр қатаротидек кондин кўп,
Қанча қилсанг гумонки, андин кўп.

47б

Неча қот тошти, бўлмади охир,
Ушлаб бергали кўнмади охир.

Бу арода неча киши юрди,
Охир ишни бу ерга еткурди.

Тонгласийга урушни жазм этди,
Жанг ишини барисини азм этди.

Нечалар қолдилар таҳайюрда,
Нечалар туштилар тафаккурда.

Баъзи пурдил диловари мардон,
Ғайрати жўш уруб, бўлиб хандон,

Ҳақ сариға таваккал айлаб том,
Соз этиб барча сулҳу анжом.

Дилни ваҳм хатаридин айлаб пок.
Бўлмайин заррача ту ҳамнок.

48а

Баъзи гумкардаҳойи тарсанда,
Ваҳм этиб бўлдилар сарафканда.

Хавф ила айлаган ўзин андиш,
Ранги ўчди етиб анга ранжиш.

Тож қўйғай кимни бошиға,
Заҳар қуйғай кимни ошиға?

Ким давлатга баркарор ўлғай,
Марки маркабга ким сувор ўлғай?

Кимни ғурбат саройиға бошлар,
Кимни кулфат якосидин ушлар?

Кима давлат била сарвар айлар,
Кимсага манзилини кўр айлар?

Била топмиш адабки айлар жанг,
Ким топар бахт, кимса кўру танг?

48б

Ўткаруб бу сифат узун тунни,
Фикр этиб тонгласи уруш кунни.

Субҳ бўлди асар қилуб кундуз,
Эл кўзига кўрундиким юлдуз.

Қилди барча таҳоратин тоза,
Кирдилар барча Ҳақ билан зора.

Хатм этиб фажри суннат фарзин,
Барча итмом этиб Худо қарзин.

Барқ уруб офтоби оламтоб,
Барчаси ҳукми ҳазрати Ваҳҳоб.

Нури Ҳақдин юзини айлаб пок,
Субҳ пироҳани айлаб чок.

Элга равшанлиғин қилурға фош,
Жониб шарқидин кўтарди бош.

49а

Хон, хонзодалар йароғланди,
Белига шоф қилични боғланди.

Ҳақ сари қилдилар таваккулни,
Солдилар Тангриға бу мушкулни.

Дедилар илгари солинг тўфни,
Ёрлақагай Худо ўзи куфни.

Беадад туғ била ёлу йирок,
Мўр бирла малахдин эл кўпрок.

Барча беклар бўлиб бу дам даста,
Қилди душман йўлин тўла раста.

Босдилар баҳр янглиғ мавж айлаб,
Осмонға ғубори авж айлаб.

Мавзеидурки от анга Хайбар,
Анда қилған уруш Али Ҳайдар.

49б

Бермагон эрмиш анда жойи туғ,
Бу замон от кўтарди Пайтуғ.

Хайр узра туруб экан қипчок,
Ўзларин отқу ёрға айлаб чоғ.

Ранг-баранг барчаси яшил туғлук,
Кимни айлаб Худойим оқ йўллук.

Турған эркан булар босун[1] боғлаб,
Бир йўлин ўзларин урар чоғлаб.

Ўртада бўлмади уруш чандон,
Тўхталуб қилмади булар майдон.

Келдилар бир-бирин яқин чоғи,
Каттадин ўзга бўлмади соғи.

Замбаракчи юборди уч ўқни,
Билмади сўнгра бор била йўқни.

[1] Бошун, бошин.

50а

Бир йўли барча қўйди ул дам от,
Икки ёндин солишдилар, ҳайҳот.

Эр йигитларни ғайрати қайнаб,
Тутмади эмди отлари ўйнаб.

Бўлди якбораки уруш қаттиғ,
Кўп синуб найзалар, ушалиб тиғ.

Осмонға чиқиб ғубору гард,
Қўлға асбобини олиб ҳар фард.

Марг даллоли бўлди чобук чуст,
Ақд байъини айлаб анда шаст.

Гарм бўлди ўлимни бозори,
Малик ул-мавт ўлуб харидори.

Сув каби эл қони тўкилмағонлиғ,
Танларидин боши сўкилмағонлиғ.

50б

Ушлашуб, тишлашуб олишмоқдур,
Рўбарў келсаким солишмоқдур.

Барчаси бир-бирин суруб ҳар ён,
Баъзи жон ваҳмидин бўлуб ҳайрон.

Ким қочиб, ким қувар, билолмаслар,
Гард ила бир-бирин кўролмаслар.

Ер туз англаб бор олуб кўзни,
Ким танур анда ёв била ўзни?

Ушлашиб бир-бирин қучоқлашмоқ,
Гар қилич бўлмаса, фичоқлашмоқ.

Сой тоши сонча кесиб бошни,
Қанда фарқ айлагай қари-ёшни?

Найза тиғин қилиб хамма хунрез,
Ер юзи қон била бўлуб якрез.

51а

Тўлди ул кун ўликка бахру бар,
Бош хаме бебадан, бадани бесар.

Гард ила офтоб ўлиб тийра,
Бир-бирини кўрарга кўз хийра.

Билмайин бир-бирини холини,
Кўрмайин балки отни ёлини.

Ким қилич солди, кимса ўқ отқон,
От оёғида кимсалар ётқон.

Отлар ўз холича юрур ўйнаб,
Кечалар жон узар тилин чайнаб.

Ким кишиликни отни олғонким,
Қип-қизил қонига бўёлғонким.

Кимсани захмидин оқиб қони,
Қийналиб чиқмайин бир у жони.

51б

Кимса нимжон, кимсалар бежон,
Кимсалар зинда, кимсалар ўлғон.

Бир-бирини билмайин хар фавж,
Лахта-лахта қилур эдилар авж.

Гоҳ сўнгидин сурурдилар ўнгга,
Гоҳ ўнгдин яна бориб сўнгга.

Ул куни бу сифат эди доим,
Бўлди гўё киёмату қойим.

Туғ била хон оз киши қолғон,
Ўзгалар ўзга фикрини қилғон.

Қайнашиб, қовлашиб тузиб келган,
Барчасин тўпларин ўзиб келган.

Биллилар, хоики бўлғулек бўлмас,
Бу аломатни хеч киши кўрмас.

52а

Киллилар шул замон муножоти,
Хаклин айлаб умид бу холоти.

Ёлбориб Ҳаққа киллилар нола,
Кўзларин ёшини қилиб жола.

Делилар, эй Худо, паноҳимсан,
Жумла ерларда такягоҳимсан.

Сан ўзунг қил бу мушкул ишни осон,
Қилма бизларни ўртала сарсон.

Хонимиз бу дуо билан эрди,
Ҳак анга фатҳу нусратин берди.

Барчаси хар тарафга чоптилар,
Маллабек туғларини топтилар.

Йиғлашуб барча анда турдилар
Ҳам ёв каддин йирокда кўрдилар.

52б

Қўйдилар от бариси як бора,
Бўлди қипчоқ ясовуллари пора.

Фатҳу нусратни юзига олиб,
Қувди қипчокни олдига солиб.

Ёфилиб кочар эрди қипчоклар,
Ким тутор, ани бўйнудин боғлар.

Ёшуниб ётса, эл кўрар эрди,
Бошларига бориб урар эрди.

Хору хас тоғу тус бўлиб дамсоз,
«Ушла қипчоқни», – деб солиб овоз.

Дер эдилар, аё жафо пеша,
Қилмас эрдинг букунни андиша.

Бўлдиму эмди бу сифат ҳолинг?
Сарнакун бўлди эмди иқболинг.

53а

Не жафоларни қилмадинг бизга,
Бор мисли авж оғонда[1] йўқ сизга.

Ушбу сурат мусаххар этдилар,
Қатл ишини муқаррар[2] этдилар.

Бўлди бу кунда мунча ҳангома,
Хонға марқум ўлуб зафарнома.

Хони Хўқанд ичра қатли ом айлаб,
То бу кун ўн икки кун ўтган.

Ушбу кун аро эди шанба,
Топти қипчоқ эли ажаб танбеҳ.

Ашур ойиға ҳам эди тўққуз,
Эй кўнгул, сўзни жойиға ўткуз.

Таърихин менга берди ул кун ёд:
«Од кавмин фалокин этган бод».

53б

Нисфи сарсар чиқиб қуримиш бих,
Касрати қатъи сар бўлуб тарих.

Лафзи будур, билинг, аё дарвиш,
Тўққузу бир минг икки юз олтмиш.

[1] Олгонда.
[2] Такрор маъносида.

Изоҳлар

Авлиё – валийлар
Авсат – ўрта
Авсоф – сифатлар, мақтовлар
Акобир ашроф – энг улуғлар, шарафли кишилар
Аммора – амр этувчи, зўрловчи, нафсга нисбатан ишлатилади
Анбиё – пайғамбарлар, набийлар
Андиш – уялиш
Арус – келин
Афлок – осмонлар
Афтода – йиқилган, ташландиқ, хокисор
Афъо дондони тез – заҳарли катта илон тиши
Ахтар – юлдуз
Аъзам – улуғ
Аълам – диний-ҳуқуқий масалаларда фикр берувчи диний амалдор
Акд байъи – савдо келишуви
Бадгин – ёмон гумон қилувчи
Бадгуфтор – ёмон сўз
Бадкарда – ахлоқсиз
Бадкирдор – ёмон ишлар қилувчи
Бадният – ёмон ниятли
Бадсиришт – зоти паст
Бандапарвар – одамларга ғамхўр
Бархос – қисм
Бақо – доимий тириклик
Баҳр – денгиз
Бесар – бошсиз
Бидъат – яратилган, жорий этилган янгилик (асосан динда кейин пайдо бўлган одатларга нисбатан ишлатилади)
Бим – қўркув, хавф
Бозу – билак
Бом – том
Боргоҳ – қаср, подшоҳ саройи
Боқи – доимий тириклик
Бих – томир
Васли бедори – уйғоқлик даври
Васф – мақсад, таърифлаш
Вофийи маъбуд – вафо қилувчи Худо
Гардани ғафс – йўғон бўйин (бу ерда: такаббурлик, манманлик)
Гарда – ғамгинлик, соғинч
Гарон – оғир
Гумроҳ – йўлдан адашган
Даҳр боғи – замона
Диловари мардон – кўнгил олувчи мард йигитлар
Довар – мард, жўмард инсон
Дандон – тиш
Дароз – баланд бўйли, узун
Дигаргун – бошқача, ўзгача
Дом – тузоқ, тўр
Дуойибад – бировга қилинган ёмон дуо, қарғиш
Дуогўй – дуо қилувчи. бировнинг ҳаққига хайр-барака тиловчи
Жавониб – ён-атроф
Жаройим – жарималар
Жафопеша – жабру жафо қилувчи
Жола – шудринг
Жомаи тақфин – кафан кийими, кафанлаш
Жом – лаган, қадаҳ
Жониб – томон, тараф
Жуҳуд – яҳудий
Заҳм – яра-чақа
Заҳри ишқ – муҳаббат аччиғи
Забон – тил
Зафарасор – ғалаба нишонли
Зилла – қўланка, соя
Золла – адашган
Иблис – шайтон
Илик – қўл, билак
Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ал-Кўфий (ҳана-

фий мазҳабининг асосчиси. У Имоми Аъзам – Буюк имом лақаби билан танилган).

Ионат – ёрдам

Кавкаб – юлдуз

Камрон – тилагига эришган, бахтли

Карроту маррот – неча маротаба, қанчадан-қанча

Касрат – кўп

Қатъи сар – бош кесик

Ком – танглай

Комрон – бахтли, бахтиёр, орзусига эришган

Косон – ҳозирги Наманган вилоятидаги туман маркази

Кўбаро – улуғлар, катта

Кумушкон – жой номи, қишлоқ

Кўлоҳ – бош кийим

Лавҳи тавфиқ – тақдир битиги

Лак – бир миллион

Лақод каррам – «Биз одам болаларини мукаррам қилиб яратдик» деган мазмундаги оятга ишора қилинган

Лағар – орик, озиб-тўзиб қолган

Ло ябко – боқий қолмайдиган, доимий бўлмаган

Мавлавий – илмли кимсаларнинг лақаби (мадраса тугатганларга нисбатан қўлланган)

Мавҳум – номаълум

Мажнун – телба

Мазож – аралаштирилган

Маккор – айёр

Макнун – яшириган

Малак ул-мавт – ўлим фариштаси

Марг – ўлим

Марг доми – ўлим исканжаси

Марди комил – мукаммал инсон

Маркаб – улов, арава

Марг даллоли – ўлим фариштаси

Матрука – тарк қилинган, ташланган, мерос

Машварат – маслаҳат

Макоми офоқ – баланд мартаба

Мактул – ўлдирилган, катл этилган

Маҳваш – гўзал, чиройли аёл

Мирзод – амирзода

Моли кифоий – кифоя қиладиган мол-давлат

Морут – фариштга номи

Моҳ – ой

Мубаддал – ўзгартирилган, алмаштирилган

Мазаммат – ёмонлаш

Музаффар – голиб

Муофа – афв этилган, гуноҳи кечирилган

Мураббий – тарбия қилувчи

Муродхон – Султон Муродбек, Марғилон (1852, 1862, 1874), Тошкент (1858) ҳокими (1875 йилда Пўлатхон томонидан ўлдирилган)

Масиаднишин – мансабга ўтирувчи

Мукаррар – такрор

Мусо – Мусо пайғамбар (а.с.)

Муттафиқ – иттифоқ, бирга

Мушавваш дил – хавотирли юрак

Мушк нофа – соф мушк

Муъин – ёрдамчи

Мўр – чумоли

Насиҳатомуз – насиҳат олувчи

Нажм – юлдуз

Намруд – Иброҳим алайҳиссалом замонидаги кофир подшоҳ

Насими давлат – давлат шабадаси

Нафъи ом – омманинг фойдаси

Некуандеш – яхши хаёлли, гўзал хислатли

Носиҳ – насиҳатчи

Нисфи сарсар – ярим шамол

Нормуҳаммад черик – қипчоқ қабиласидан, 1843 йилда Курама ҳокими (1848 — 1852 йилларда қушбеги, Тошкент ҳокими. Мусулмонқулининг ашаддий душмани. 1864 йил август ойида ҳалок бўлган)

Нужум – юлдузлар

Нукта – нозик

Нусрат – ғалаба

Рикоб – узанги

Оройиш – безак, зийнат

Ошиён – уй, хона

Ошур ойи – ҳижрий 1-ой, муҳаррамнинг иккинчи номи

Пайваста – туташган, доимо, кетма-кет

Пинҳон – махфий, яширин

Побус – ҳурмат, таъзим

Поисад – беш юз нафар сарбозга бошлик ҳарбий амалдор

Пос – мухлат

Пурмалол – кўп малол берувчи

Раийят – бир ҳукмдорнинг кўл остидаги халқ

Рахш – от

Ришва – пора

Ришта – ип

Рихлат – кўчиш

Рутба – даража

Сажо – кийим тури

Сак – ит

Санубар – дарахт номи

Сарафканда – бошн ҳам қилинган

Саржин – ўлчов бирлиги, бир кулоч

Сарзаниш – маломат, танбеҳ бериш

Сарирафтор – бошини кўтариб юрувчи

Сариигун – боши билан йиқилган

Суръат – тезлик, илдамлик

Сафҳаи – саҳифа

Сахоба – Пайғамбар алайҳиссаломни кўрган, у билан суҳбатлашган ва мусулмон ҳолда вафот этган киши

Сакаф – шип, уй томи

Синоҳ – кўшин

Сокий – сувчи

Сухан – сўз

Сухан наккос – Наккос сўзи

Сўфи бек – Ҳулиёрхўжанинг укаси (1859 йилда вафот этган)

Тавлият – эгалик қилиш, мутаваллийлик

Тазвир – алдаш, ҳийла

Такиягоҳ – ётоқхона

Талбис – ҳийла, макр, ёлғон

Тамкин – оғирлик, ҳайбатли

Тараддуд – ёлғиз, бир ўзи

Тарсанда – кўркувчи

Тасхир – забт этиш, кўлга олиш

Тахайюл – хаёлга келтириш, хаёл қилиш

Таъб салим – соғлом табиатли

Таълил – алмаштириш, ўзгартириш

Таъхир – кечиктириш, кечикиш

Тағайюр – ўзгариш

Тахайюр – ҳайрон бўлиш

Тахсин – мақтов

Теъдод – санаш, ҳисоблаш

Тийрон – ўқ отиш

Тифл – ёш бола

Тиғзан – ўқ отувчи

Тобоҳ – бузук

Тобъот – табиатлар, табиатлар

Тунгон – Хитойдаги миллат номи

Туғдор – байроқлар

Уббод – бандалар

Фавж – тўп, гурух

Фузун – ортиқча, афзал

Фармонпазир – фармонни қабул қилувчи

Фатир – патир

Фиръавн – Миср ҳукмдори
Ҳайр ал-умур – ишларнинг яхшиси
Хиргоҳ – ўтов
Ҳойру шар – яхши ва ёмон
Холиқ – яратувчи
Холмуҳаммад – ўша даврда козилик қилган
Хоргоҳ – тиканзор
Худойи мажид – буюк Аллоҳ
Хўқанд – ҳозирги Қўқон шаҳри
Чандон – бир қанча
Чашм – кўз
Чин-Мочин – Хитойдаги жой номи
Шамсу анвар – нурли қуёш
Шери Яздон – Худонинг арслони (бу ерда: Ҳазрати Алининг лақаби)
Шаст – олтмиш
Шералихон Нуруллоҳ қабза – Шералихон ҳукмдорлиги остида
Шикал – ишкал
Шодмон – хурсанд
Шом мулки – ҳозирги Сурия
Шоф қилич – катта қилич
Шош – Тошкент
Шох ҳовар – қуёш каби шоҳ
Шоҳи сарафроз – бахтиёр подшоҳ
Штур – туя
Шўриш – жанжал, тўполон
Чобак чуст – чаққон
Яшиқ аҳли – Қўқон якинидаги қишлоқ аҳли
Ўрда – Қўқон хонларининг саройи
Ўтамбой – қипчоқларнинг элатан уруғи вакили (Қурама (1847), Тошкент (1858), Маргилон (1860) ҳокими бўлган. 1852 йилдаги қипчоқлар қиргинида Худоёрхонниинг ҳомийлигида омон қолган. 1862 йилда вафот этган)
Қабзи – тутиш, ушлаш
Қабоил – қабилалар
Қабойиҳ – қабиҳ ишлар
Қаландари афъол – дарвешсифат одам
Қамар – ой
Қатли ом – оммавий қирғин
Қипчоқ – ўзбек уруғларидан бири
Қотил ул-муъминийн – имон келтирганларни ўлдирувчи
Қулон – ёввойи эшак
Ғамгузор – ғамни кетказувчи
Ғамза – кўз ишораси
Ғамнок – хафа, қайғули
Ҳаводис – ҳодисалар
Ҳад – чегара
Ҳарзагуй – беҳуда сўзловчи, бекорчи
Ҳийлапеша – ҳийлагарлар бошлиги
Ҳифз – сақлаш, қўриклаш
Ҳомил – кўтарувчи, ҳаммол

МУНДАРИЖА

Увайсийнинг «Вокеоти Мухаммад Алихон» асари 3
Шавкий Намангонийнинг «Жангномайи Худоёрхоний» асари 17
Изохлар 75

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Адабий-бадиий нашр

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИ НАЗМИЙ МАНБАЛАРДА

Нашрга тайёрловчи:
Ҳамидилло Лутфиллаев

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Отабек БОҚИЕВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 10.09.2016 й.
Босишга рухсат этилди: 12.12.2016 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $^{1}/_{32}$.
Times гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 3,7. Шартли б.т.: 4,2.
Адади: 150 нусха.
Буюртма №102

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^{A}-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz